Стратегик ва ми... халқаро
тадқиқотлар институти

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1996 йил. 16 апрел

15(44)- сон

ОЗОД ДУНЁГА ОЗОД ИНТЕГРАТСИЯ!

Тушунмаган ва бехабар одамларни эртага ана шу алоқалар тикланса, ҳамма жойда тартиб бўлади, корхоналар, фабрикалар ва заводлар яна ишлай бошлайди деб ишонтиришмоқда.

Бу собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида бошланган бўҳроннинг ҳақиқий сабабларидан одамларни чалғитишдан бошқа нарса эмас.

Ҳозирги кунда собиқ Совет Иттифоқи ҳудудидаги давлатлар иқтисодиётидаги таназзулнинг асосий сабаби, аввало умри тугаган тоталитар мафкуранинг маъмурий-буйруқбозлик ва марказдан тақсимлаш тизимини бузиб ташланиб, янги бозор муносабатларига ҳозир бутун дунёда амал қилинаётган эркин иқтисодиётга ўтиш эканлиги соғлом фикрловчи ҳар бир кишига равшандир.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон ўз чопонига бурканиб яшашни рад этди. У собиқ советнинг темир қалпоғи остида бўғилиб, димиқиб, ҳар аҳволга кўришиб кун кўришдан ҳам журъат, қатъият, шижоат билан воз кечди.

Ўзбекистон янги йўлга чиқди. Янги йўлни танлади.

Бу — мулоқот йўли. Дунё билан сиёсий, иқтисодий, маданий, инсоний мулоқот йўли.

Жаҳон мулоқотига чиққан Ўзбекистон йўлда бораётганлар учун мутлақо тенгсизлик бўлмасин, бир мамлакатнинг манфаатлари бошқа мамлакатнинг манфаатлари тагида кўмилиб қолиб кетмасин, айрим давлатларнинг доиралари ўз давлатчилик манфаатларини кўзлаб тушунтираётган «интегратсия», «ҳамжамият», «ҳамдўстлик» ва ҳоказо тушунчалар ёш мустақил мамлакатлар ва уларнинг ўз тақдирини ўзи қураётган халқлари бошига усталик билан ниқобланган янгича қарамликларни бошлаб келмасин деб, ўз Президенти тимсолида дунё доираларини жиддий огоҳлантирмоқда. «Интегратсиялар»га чақиришлар тагидан тобора равшанлашиб, уч бериб келаётган оғир, хунук оқибатлардан сергак тортишга чақирмоқда. «Чуқур интегратсиялар» охир-оқибатда давлатлар устидан турадиган ягона маҳдуд давлатга айланиб кетиш хавфини теран таҳлил қилмоқда. Ҳа, балли, Ўзбекистон Президенти дунёга ракеталар дағдағаси билан эмас, мулоқот билан чиқмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳон билан самимий мулоқотини изчил қатъият билан йўлга қўймоқда. Ўзбекистоннинг яхши, олижаноб сиёсий анъаналарига асос солмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон Президенти чет эллар элчихоналари, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, турли мамлакатларнинг журналистлари билан учрашди. Вақти-вақти билан бўлиб турган бу учрашувлар яхши анъанага айланди. Мулоқотнинг янги шакли туғилди ва мустаҳкамланди.

Президент бу учрашувда Ўзбекистоннинг ҳозирги халқаро алоқалари, дунёда бораётган муҳим сиёсий тараққиётнинг бугунги йўналишлари билан боғлиқ ўз кўз қарашларини равшан қатъият ва сиёсий теранлик билан баён қилди.

Президентнинг интегратсия билан боғлиқ кучли муҳокамаларини тинглаб ўтириб, ўзимда бу замонавий ҳодисани — интегратсия ҳодисасини нима десамикин, ашёвий тушунишга эҳтиёж сездим. Далолат жуда кучли нарса.

ЭКСПОМАРКАЗга йўл олдим. Бу ерда Ўзбекистоннинг кашфиётлари, ихтиролари, нимани деб, нима билан нафас олаётганлигини яққол кўриш, тасаввур қилиш, республика меҳнатининг яхлит манзарасини кўз ўнгингизда тутиш мумкин.

Ўзбекистон чиқараётган тайёра олдида узоқ ўйланиб турдим. Эҳтимол замонавий мутахассислар етиштириш билан бундан ҳам бақувватроқ, пишиқроқ, қулайроқ, чидамлироқ тайёра яратиш ва уни жаҳонга чиқариш мумкиндир. Иложсиз ҳеч нарса йўқ. Одамларни тайёрласа, бас. Шу мақсадга жавоб берадиган таълим ва тарбия усули танланса, бас. Ва шундай катта мақсадни ўз олдига қўйилса ва унга томон мунтазамлик билан интилинса, бас. Ўшанда, балки, муболаға бўлиб туюлмасин — «боинглар» билан тенглашадиган (мен тортишадиган дейман ҳозир) тайёра чиқариш аниқ бир воқеага айланар.

Майли, бу келажакнинг иши.

Бироқ, ҳозир... мана шу тобда ўзбек ЭКСПОМАРКАЗИда қад кериб турган, бутун қудратли сумбатида байроғимизни мужассамлаштирган ўзбек тайёрасига қараб туриб: «интегратсия ахир худди мана шу нарса эмасми?» — деб ўйладим.

Ҳақиқатан ҳам! Шу тайёра том интегратсиянинг тимсоли! Қанчадан қанча мамлакатлар демай-ку, қанчадан қанча корхоналар бу тайёранинг дунёга келиши, қад ростлаши, ҳавога кўтарилиши, турли манзилларни яқин қилиши, бир-бирига боғлаши учун ажиб бир ҳисса қўшган!

Ёки мана парвозга шайланиб бу ерда қип-қизил гўзал «Тико» турибдир. Уни биттагина корхона яратган дейсизми! Инсониятнинг енгил автомобил ҳақидаги орзулари жо бўлган унинг ҳар бир нуқтасига! Уни дўстим Тўланбой Бўзнинг йўлларида миниб юрибди. «Ўзимни худди сандалда ўтиргандай ҳис қиламан бу «Тико»нинг ичида!» — дейди дўстим оғзи қулоғида. «Тико»ни бир ўзбек йигити миниб юргани, бу унинг иши, ҳаёти, турмушини енгиллаштираётгани интегратсия эмасми?!.

Ўзи ҳозирги дунёда ҳеч бир махсулот йўкки, у интегратсиясиз яратилган, интегратсиясиз пишиган, пухталанган бўлсин.

Лекин ҳамма гап шундаки, интегратсияда интегратсия бор экан. Интегратсияга ҳар қанча иқтисодий юк ортсангиз, кўтаради. Ўринли бўлади. Тўғри бўлади. Мана шу тайёра ҳам Ўзбекистон юкларини дунёнинг қайси бир чеккасига олиб боролмайди дейсиз. Ҳар ерга боради, ҳар ердан мамлакатимиз учун зарур юклар, ашёларни ҳам истаган миқдорда, истаган ҳажмда олиб келолади.

Турли мамлакатлардан ўтадиган темир йўллар юкларни қанчалар эзмайди дейсиз. Қанчалик хатарларга учрамайди дейсиз. Қанчалик турли қоғозбозликларни келтириб чиқармайди бу темир йўллар!

Лекин мана бунга ўхшаган ҳар қанча юк бўлса кўтариб кетоладиган транспорт тайёра — Ўзбекистоннинг бахти! Улар ҳавога қанча кўп кўтарилса, фаровонлик шунча ортади. Юклар дунёнинг барча чеккаларидан тез, тоза, арзон, хавф-хатарсиз етиб келади.

Хўш, энди мана шу ишимизни осон, юкимизни енгил қиладиган тайёрага биз сиёсий юк ортишимиз керакми? Уни зарур саноат юклари бир чеккада қолиб кетиб сиёсат юклари билан, сиёсий талаблар билан тўлдиришимиз зарурми?

Интегратсиядан иқтисодий эмас, соф сиёсий мақсадларни кўзлаётганлар тайёрага сиёсий юк ортишни талаб қилмоқдалар.

Соф иқтисодий ҳодисани чалкаш сиёсий ҳодисага айлантирмоқчилар.

Интегратсия сиёсий ҳодисага, талабга айланганда, ундан албатта, ягона давлат ғояси ўз-ўзидан ўсиб чиқади. Яна кўпдан кўп халқлар ва миллатларни бир темир қалпоқ остига киритиш кўзланади ва режа қилинади.

Лекин XX аср тугаб, янги минг йилликка кириб бораётган демократик жаҳон, ҳур фикрли инсоният эндиликда тушунчалардан сиёсий ниқоблар ясаш, улардан ёвуз ўйинларида фойдаланиш, тушунчаларнинг оёғини осмондан келтиришларни кескин ва қатъиян рад этади.

Озод дунё озод интегратсия истайди!

Муҳаррир



Ёр ишқи... Баҳор ишқи

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Яқинда Тошкент шаҳар партия ташкилотининг II пленуми бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистонда фан ва техника тараққиёти ва Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент шаҳар партия ташкилотининг вазифалари» мавзуидаги масала муҳокама этилди. Республикамиз олимлари олдига мамлакатимиз раҳбарияти томонидан Ўзбекистондаги илмий потентсиал кучлар фаолиятини янада ошириш, республикамиз учун энг зарур илмий муаммолар устида иш олиб бориш, жумладан Ўзбекистоннинг шимолий районлари учун тез пишар пахта навларини яратиш, халқимиз учун тиббий дорилар ишлаб чиқаришнинг янги усулларини излаб топиш, халқ хўжалигини ривожлантиришда қуёш энергиясидан фойдаланишнинг самарали йўлларини қидириш, Ўзбекистон фанида ишланган илмий натижаларни тезроқ амалиётга киритиш, туман ва қишлоқларда яшайдиган аҳоли учун кичик саноат корхоналарини яратиш ва бошқа муҳим долзарб вазифалар қўйилмоқда. Тошкент шаҳар партия ташкилотининг мазкур пленумида ана шу масалалар устида гап юритилди. Пленумни Тошкент шаҳар партия ташкилоти ҳайъати раиси М. F. Алиев очди. Пленумда Ўзбекистон Фанлар академиясининг бош илмий котиби академик Қ. F. Fуломов маъруза қилди. У Ўзбекистон Фанлар академияси олиб бораётган ишлар, мустақиллигимиз шарофати билан Ўзбекистон фанида ҳам ислоҳотлар бўлаётгани, Республикамиз фанини мустақил ривожлантиришга шароит яратилгани, ёш олимлар, сафларини орттира бориш, ёш авлоднинг илмга бўлган қизиқишини юксалтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Пленумда техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий ҳайъати аъзоси О. А. Қодиров Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий ҳайъати раиси А. Қаюмов, Марказий ҳайъат раиси ўринбосари Т. Тошлонов, Алоқа институти проректори Орипов, Жаҳон тиллар университети профессори Г. Х. Боқиева ва бошқалар муҳокама этилаётган мавзу бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Пленум мазкур масала бўйича тегишли қарор қабул қилди. Унда муҳокама этилган масалани Тошкент шаҳрининг барча туман ва шаҳар партия ташкилотларида ўрганиб чиқиш, илмий муассасалар, институтлар, олимлар гуруҳлари билан янада яқин алоқада бўлиб, улар олиб бораётган ишларни кенг тарғибот қилиш тавсия этилди.

Т. ТОШПЎЛАТОВ

ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОН ҚУЛАМАС

Камтарин инсон, филология фанлари доктори Зарифбой Дўсимов Хоразмда қишлоқ ва шаҳарларнинг эски номларини ўрганиш, тиклаш борасида кўп ишлар қилиб, зиёлилар орасида хурмат қозонган. Зарифбой Дўсимов Миллий тикланиш демократик партиясининг вилоят ҳайъати раиси. Яқинда мухбиримиз хизмат сафари билан Хоразмга бориб, у билан суҳбатлашди.

— Зарифбой ака, миллатимизнинг равнақи, тикланишини кўзлаб сиёсий ҳаракат майдонига кирган партия олиб бораётган ишларга Хоразм зиёлиларининг муносабати қандай? Вилоят партия ташкилоти ҳозир қандай вазифаларни бажаряпти?

— Аввало, асрлар давомида ота-боболаримиз орзу қилиб келган мустақилликка эришганимиз, ҳақиқатан ҳам, оламшумул воқеа бўлди. Айнан шу мустақиллик шарофати билан республикамизда унинг ўз ички шароити ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда Миллий тикланиш демократик партиясининг тузилиши вилоятимизнинг барча зиёлилари томонидан ҳалқимизнинг, миллатимизнинг келажаги учун муҳим бир қадам сифатида қабул қилинди. Турғунлик, истибдод кишанлари парчаланиб, миллатга ҳур фикрли, бир жону бир тан бўлиб жамият қуриш имкониятлари яратилди. Барча зиёлиларни бу партия ўз атрофига етук сиёсий, иқтисодий-ижтимоий дастур асосида жипслаштиришни мақсад қилиб қўйган. Миллий, умуминсоний қадриятлар, анъаналар заминида комил инсон, комил шахс ғоясини илгари сураётган, сиёсий воқеалар ичида ўз ўрни ва салмоғига эга бўлиб бораётган шу партияга хизмат қилишни бурчим деб биламан.

Бугун дунёга донғи кетган алломаларимизнинг меросларини ўрганиш, миллат учун жон фидо қилган аждодларимизнинг ишларини рўёбга чиқариш имконияти туғилди. Шундай экан, шу мақсад йўлида вилоятимизнинг фаол зиёлиларини жалб этган ҳолда Миллий тикланиш демократик партиясининг вилоят ташкилотига асос солдик. Бугунгача партиямиз аъзолари сони Хоразмда 500 кишидан ошди. Аъзоларимизнинг кўпчилиги зиёлилар. Биз билан бир қудуқдан сув ичиб, елкадош бўлиб келаётган бошқа миллат вакиллари ҳам ўз хоҳишлари билан партиямиз дастурини қўллаб-кувватлаб, сафимизга кириш истагини билдиришяпти. Ўзбекистонинг миллий равнақини кўзлаган, фаровонлиги учун жон куйдирадиган рус, татар, корейс ва бошқа биродарларимиз ҳам бугунги кунда партиямиз сафини кенгайтирмоқдалар.

Вилоятнинг Хива, Урганч туманларида партия ташкилотларини туздик. Вилоят партия ташкилоти ҳайъати аъзолари билан келишган режа асосида жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйганмиз. Фикримча, бизнинг ишимиз шошқалоқлик, пала-партишликдан йироқ бўлиб, барча партиявий режаларимизни пухта, жиддий бадастур олиб боришни мақсад қилиб қўйганмиз. Партиямизнинг пойдевори ҳар жиҳатдан мустаҳкам бўлсин деймиз.

— Халқимизда «кенгашли тўй тарқамас» деган гап бор. Мана, партия ташкилотига ҳокимият биносидан жой ажратишди. Кўриниб турибдики, ҳокимият ўз йўли билан партия ишларига хайрихоҳлик билан қараяпти...

— Яқинда вилоят ҳокими хурматли И. Юсуповнинг қабулида бўлдик. Қилинаётган ишлар, режалар хусусида ўртоқлашдик. Халқимиз орасида ўтаётган турли зарур тадбирлар, миллий байрамларимизнинг ёркин, таъсирли ўтишига ўз ҳиссамизни қўшяпмиз. Нажмиддин Кубро, Замахшарий каби алломалар қолдирган меросни тарғиб қилишда, вилоятда Амир Темур 660 йиллигини нишонлаб бориш, Навоий кунларини ўтказишда партиямизнинг улуши бор. Бир неча маротаба Хоразм ойнаи жаҳони ва радиосида чиқишлар қилдик. Шунингдек, Хиванинг 2500 йиллигига муносиб тухфа тайёрлашга бел боғлаганмиз. Яъни қадимий Хивамизнинг янги-янги сир-асрорларини очиш, Хивада яшаб ўтган буюк аждодларимиз меросини ўрганиб халқимизга, келажак авлодга етказишни вазифамиз деб биламиз.

Энг муҳими, миллий сиёсий онгни тарбиялаш, халққа Президентимиз илгари сураётган миллий тикланиш ғоясининг мазмун-моҳиятини етказиш — ҳозирги кунда партиявий ишларимизнинг марказида турибди.

— Партиянинг ички ташкилий жараёнлари кетаётган пайтда дам-бадам муаммоларга ҳам дуч келаётгандирсиз?

— Партиямиз ҳали ёш. Эндигина қадам босаётган даври. Ютуқларимиз билан бир қаторда камчиликлар ҳам талайгина. Партиявий зарур ишларимиз учун маблағ топиш олдимизда кўндаланг бўлиб турибди. «Миллий тикланиш» газетасига 600 га яқин кишини обуна қилдик. Лекин газетанинг Хоразмга етиб келиши негадир кечикиб кетаяпти. Газета — катта куч. У ишларимизнинг ғоявий асосларини мустаҳкамлашга яқиндан мадад бераяпти. Вилоят воқеаларини ёритиш учун газетамизнинг вилоят мухбири бўлиши зарур.

Буларни айтяпману, тўғриси, ҳозир муаммо, камчиликларни рўкач қилиб, кўл қовуштириб ўтириш мавриди эмас. Партиямиз олдидаги вазифаларни адо этиш учун яхшигина ишбилармонлик ҳам даркор деб ўйлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, жумҳуриятимизнинг барча зиёлиларини бир тану бир жон бўлиб, Президентимиз атрофига жипслашишига, ватанимиз равнақи учун ишлашга, чеккадан келаётган иғво, найранг, фитналарга ўз вақтида якдиллик билан зарба беришга чақираман.

Зарифбой акани ҳузуридан чиқар эканман, хона тўрига илинган «Шу азиз Ватан барчамизники», деган ёзувга кўзим тушди. Юртбошимизнинг оқилона бу сўзлари юрагимиз тўрида турмоғи, ҳар бир фуқаро шу Ватан, миллат учун, унинг порлоқ истиқлоли учун курашмоғи қарз деб ўйлайман. Қолаверса, Зарифбой акага ўхшаган партиямиз фидойилари бошлаган ишларга ҳамиша Аллоҳ мададкор бўлсин.

Ойбек ТИЛЛО

СОҲИБҚИРОН САЙИЛИ

12 апрел куни эрта тонгдан шаҳарнинг Мустафо Камол Ота Турк кўчасида янграган сурнай ва ноғора садолари барчани катта халқ сайлига чорлади.

Соҳибқирон таваллуди кунининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган бу сайилни Республика маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази ва Тошкент Давлат Юридик институти ҳамкорликда уюштирди. Марказ раҳбари Неъмат Аминов кириш сўзидан сўнг институт ректори Ҳалим Бобоев ва кўплаб тарихчи олимлар, ёзувчилар йиғилганларни ушбу байрам билан қутладилар.

Шундан сўнг марказ азалида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар F. Ёқубов, М. Азимов, А. Шукуров, М. Ойнақулова ва бошқа таниқли хонандалар ўзларининг Соҳибқиронга бағишлаган қўшиқлардан тузилган дастурларини намойиш этдилар.

Бир неча тадбирларни ўз ичига олган халқ сайили Тошкент Давлат Юридик институти ҳовлисида ўтказилган Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги китоблар кўргазмаси билан якун топди.

Б. САИДОВ

БОҒИМИЗГА ТОШ ОТМАНГ, ЖАНОБЛАР

Қисматимда бор экан, ўтган умримда унча-мунча жойларни кўрдим, турли одамлар билан мулоқотда бўлдим. Оврўпода энг қадим дорилфунунлардан бири Тарту университети, Белорус ўрмонзорлари, Молдова токзорлари, Гуржистон чойзорлари, Севан бўйлари, Озарбойжоннинг Ганжаси, Ашғабатнинг Ферузабоғи ёдимда қолди. Майнинг охирлари, июннинг бошларида Киевнинг чиройига чирой қўшилади — каштанлар гуллайди! Душанбенинг Варзобида зилол сув ичдим. Иссиққўлнинг ёқимли тафтини туйдим. Абай туғилган овулнинг сулувларига миртемирона мафтун бўлдим.

Олтин халқа деб аталувчи Суздал, Владимир, Твер, Ярославл, Кострома, Иваново шаҳарларини кездим. Мана шу жойлар асл рус ери. Рус тупроғи, рус ўрмони ўзига хос саховатга эга. Смородина, малина, турфа қўзиқоринлар. Чорва учун ем-хашак мўл-кўл бўлади. Деҳқончилик учун ер ундан ҳам сероб. Афсуски, 1990 йилги маълумотга кўра бу минтақада, яъни бўз тупроқли зонада 100 минг қишлоқ ҳувиллаб қолган, аҳолиси бошқа юртларга бахт излаб, тўғрироғи, осон турмуш, навбатсиз квартира олиш илинжида кўчиб кетган, рус диаспараларини вужудга келтирган, буям мустамлакачилик сиёсатининг бир кўринишидир.

Ҳар кимники ўзига, ой бўлиб кўринади кўзига, деган нақл бор. Биз, ўзбеклар учун Ўзбекистонимиздан ўзга гўзалроқ юрт йўқ, албатта. Ўзга юртлар ўз эгаларига буюрсин.Қайси халқ қисматига қаер ватан деб битилган экан, у тупроқ тоабад ўзига насиб этсин, узоқ-яқин қўшнисининг уйига кўз олайтирмасин, боғига тош отмасин, ўз мулкини обод ва фаровон этсин. Лекин минг афсус-надоматлар бўлсинким, тарихда ҳам, ҳозир ҳам ўз мушкулини ўзи ечмай, бировлар ҳисобига оғирини осон қилувчи, дағдаға ва зулм ила ўзгалар уйини ўзиники қилиб олувчи, сиёсатни зўравонлик деб билувчи, ўзгалар хоҳиш-иродасини писанд этмайдиган кимсалар ва тўдалар бўлган ва бор. Россия Думаси собиқ Иттифоқни қайта тиклашга қаратилган қарор чиқаргани сабабли ва шунга муносабат билдириш мақсадида мисолларни рус тарихидан келтириш ўринлидир. Агар Дума бундай ўз ҳақ-ҳуқуқлари доирасидан чиқиб номаъқулчилик қилмаганда эди, биз ҳам бундай сўзлашни ўзимизга эп кўрмасдик, бундан заруррок юмушларимиз ҳам кўп. Бироқ миллий мустақиллигимизга ғубор қўндирувчи, боғимизга тош отувчи жанобларга қатъий жавоб бермаслик ҳам қўрқоқлик аломати саналиши мумкин.

Россия нисбатан ёш давлатлардан. 1447 йилда подшолик вужудга келган, то унгача майда-майда князликлар бўлган. Биринчи рус подшоси Иван IV дир. У подшо бўлиб олгач, фақат зўравонлик сиёсатини ўтказиб, босқинчилик юришлари қилган, орадан олти йил ўтар-ўтмас 1453 йили қадим Булғория, кейинчалик Қозон хонлиги деб аталган мустақил ва маданий давлатларни забт этиб, қонга ботириб ва аҳолининг бир қисмини чўқинишга мажбур қилган ҳамда шу қилмиши туфайли ўзига Грозний деб лақаб олган. Кейин XVI аср охирида Астрахан хонлиги забт этилган, туб жой аҳолиси пароканда қилиб юборилган. XVII асрда Сибир хонлиги ва тарихан Fарбий Дашти қипчоқ деб аталган, ҳозирги Волгоград, Оренбург вилоятлари, Краснодар, Ставропол ўлкалари ва шу каби жуда катта ҳудудга жойлашган Нўғой хонлиги забт этилган. Сўнгра қозоқ ерларига, Сибирияга ҳамлалар бошланган. 1783 йилда Қирим хонлиги босиб олинган, бир миллиондан ортиқ туб жой аҳоли обод ерларидан маҳрум этилган, улар ватанларидан бош олиб кетишга мажбур бўлганлар. Маълумки, бу давлатларда азалдан туркий қавмлар яшаб келишарди. Шу тарика Россия ҳудуди Қора-Азов денгизлари қирғоқларигача кенгайтирилган. Россия томонидан бундай босқинчилик сиёсати Шимол томонга, Fарбу Жанубга ҳам қўлланилган. Қурол ишлатилган, қон тўкилган. 1613 йили ҳокимият тепасига чиқиб олган Романовлар сулоласидан бирор подшо йўкки, Россия ҳудудини қўшинлари ери ҳисобига кенгайтирмаган бўлсин. Федор Романовдан то Николай II Романовгача касблари шундай бўлган. Кези келганда фитна ва тузоқ қўйишдан ҳам фойдаланишган. Чор ҳукумати ва унга тобе ташкилотлар бошқа халқларнинг хоҳиш-иродасини писанд этмай, фармон ва қарор чиқараверган. 1653 йилнинг 1 октябрида Москвада Земский Собор украин халқини қулликка туширувчи, Украинани Россияга қўшиш ҳақида қарор қабул қилди. Кейин гўё бу қарорни 1654 йил 8 январда Переяславл Радаси «маъқуллади», яъни Украина «ўз хоҳиши билан» Россияга қўшилди. Бундай таслимчиликка Украина гетмани, шляхтич, яъни майда дворян оиласидан чиққан Богдан Хмелнитский бош-қош бўлди, эвазига ўзи подшодан марҳаматлар кўрди, лекин Ватани мустамлакага айланди, халқи тобе бўлиб қолди. Аввалига Украинага автономия ҳуқуқи берилдию, орадан кўп ўтмай Украина Киев губернияси, Харков губернияси ва бошқаларга бўлиб юборилиб, тўғридан тўғри марказга бўйсинувчи ўлкага айлантирилди, номи эса гоҳо Хохландия, гоҳо Малороссия деб аталиб, камситилишгача бориб етди. Буни қарангки, тарих такрорланар экан: 1653 йилда Собор чиқарган машъум қарор ва 1996 йилда Давлат думаси қабул қилган қарор моҳиятан айнан бир хил! Хмелнитский XVII асрда қандай рол ўйнаган бўлса, назаримда XX асрда Белорус раҳбари Лукашенко жаноблари худди шундай вазифани ўтамоқда. Фарқи шундаки, бири атаман деб аталган бўлса, иккинчисининг Президент деган номи бор, холос.

Россия ҳокимларидан айниқса икки нафари босқинчиликка рўжу қўйган. Биринчиси Пётр I бўлса, иккинчиси Екатерина II дир. 1721 йилда Пётр I Россияни империя, ўзини император деб эълон қилди. Марказий Осиёга кўз олайтирган ҳам, Хоразмга биринчи, лекин муваффақиятсиз босқинни уюштирган ҳам Пётр I дир. Ватанимизни, қўшни ва қардошларимиз юртини босиб олиш сиёсати роса 150 йил давом этди. Кавказни бўйсундириш ҳаракати деярли шунча муддат давом қилди. Натижада XVIII аср охирларида Россия империяси Ер юзи қуруқлик қисмининг олтидан бирига эгалик қила бошлади. У 200га яқин миллат ва элатларнинг турмаси бўлиб қолди, 50 га яқин кам сонли халқ ўз қиёфасини йўқотди. Унинг ҳудуди 22,4 миллион карра километр эди. Кўринадики, агар Россия давлат бўлиб шаклланганида ҳудуди 200 минг карра километр бўлса, тўрт аср давомида қўшнилари ҳисобига 100 баравардан ортиқ кенгайган, бунга босқинчилик билан эришилган. Собиқ СССРнинг ҳудуди ҳам деярли шунча, яъни 22 миллион 402 минг 200 карра километр бўлиб, бундан 17 миллион 75 минг 400 карра километр ҳудуд росмана Россияга тегишли ҳисобланса-да, амалда барча ҳудуд Россияга хизмат этарди, пойтахт Москванинг айтгани айтган, дегани деган эди. Босиб олинган юртларда озодлик, мустақиллик учун халқ кураши сира ҳам тўхтамаган. Бу адолатли кураш саксонинчи йилларнинг охирига келиб аниқ самаралар бера бошлади. Эсимда, 1988 йилда Литва Ёзувчилар уюшмаси собиқ СССР Ёзувчилар уюшмасидан ажралиб чиқишидан Иттифоққа биринчи маънавий дарз кетди. Болтиқбўйидаги Давлат тилига эришиш учун курашдан миллий мустақиллик учун кураш авж олиб кетди.

Давоми иккинчи бетда

КЎҲНА ҲИКМАТЛАР

КОНФУЦИЙ АЙТГАН ЭКАН...

16. Устоз дерди:

— Муносиб киши одамларга яхши ишларда кўмаклашади, ёмонликка равнақ бермайди. Майда одам — бунинг акси.

17. Сзи Кан-сзи Конфуцийдан идора қилиш ҳақида сўради.

— Идора этиш — тўғри иш қилиш демакдир. Агарда тўғри идора қилсангиз, ким нотўғри иш тутишга журъат этади?

18. Сзи Кан-сзи қароқчилардан азият чекиб Конфуцийдан маслаҳат сўради. Устоз шундай деди,

— Агар сиз ўзингиз бой бўлишни истамаганингизда, ҳатто мукофот бераман десангиз ҳам, улар сизни таламаган бўлардилар.

19. Сзи Кан -сизи Конфуцийдан бошқариш қандай бўлади, деб маслаҳат сўради-да, яна шундай деди:

— Ёмонларни ўлдириб, яхшиларни ўзимизга яқинлаштирсак-чи?

— Агар бошқараётган бўлсангиз, — деб жавоб берди Устоз, — унда ўлдиришнинг нима ҳожати бор? Ўзингиз яхшиликка интилинг — шунда халойиқ ҳам яхши бўлади. Ҳукмдорнинг табиати — шамол, халқнинг феъли — майса. Шамол қаёқдан эсса, майса ҳам шу ёққа энгашади.

XIII ФАСЛ

5. Устоз айтарди:

— «Уч юз қўшиқ»ни қаттиқ ёдлаб олган бўлса ҳам, қўлига амал берсанг, уддалай олмайди, бошқа мамлакатга элчи қилиб юборсанг, у ерда тузук-қуруқ жавоб муомала қилолмайди. Кўп ўқиган — лекин нима фойда?

6. Устоз дерди:

— Агар ўзи тўғри бўлса, буйруқсиз ҳам бажаради. Агар ўзи тўғри бўлмаса, буюрсанг ҳам, бўйинсунмайди.

9. Устоз Вэй деган жойга йўл олди, аравани Жан Ю ҳайдаб борарди.

— Бу ерда одам мунча кўп! — деди Устоз.

— Агар улар кўп бўлсалар, — деди Жан Ю. — бу одамларга яна нималар қилиш керак бўлади?

— Уларни бойитиш керак, — деди Устоз.

— Улар бойиганларидан кейин, - деди Жан Ю, — яна уларга нималар қилса бўларкин?

— Уларни тарбиялаш керак, — деди Устоз.

13. Устоз айтарди:

— Агар ўз-ўзингни тўғрилсанг, бошқариш қийин бўлмайди. Агар ўз-ўзингни тўғрилай олмасанг, бошқаларни қандай қилиб тўғрилайсан?

17. Сзися Сзуйфу деган жойга ҳоким бўлиб қолди-да, Устоздан қандан идора қилиш кераклигини сўради.

— Шошилма, — деди Устоз, — ундан сўнг майда нарсаларнинг кетидан қувма. Шошилсанг, мақсадга етолмайсан. Майда нарсаларнинг ортидан қувсанг, катта ишларни қўлдан чиқариб юборасан.

19. Фан Чи чин одамий киши қандай бўлиши керак, деб сўради. Устоз шундай жавоб берди:

— Қиёфасида — қатъият, ишларида — жиддиятли, одамларга самимиятли бўлсин. Барбарлар қошига бораётган бўлса ҳам, бу нарсаларни асло унутмасин.

24. Сзигун сўради:

— Агар бутун қишлоқ яхши кўрса, бу одам ҳақида нима дейиш мумкин?

— Арзимас одам, — деди Устоз.

— Агар бутун қишлоқ ёмон кўрса, бундай одамни нима дейиш керак?

— Арзимас одам, — деди Устоз. — Агар бу қишлоқнинг яхши кишилари уни яхши кўрсалар, ёмонлари ёмон кўрсалар, унда бошқа гап эди.

27. Устоз дерди:

— Агар киши метиндай мустаҳкам, журъатли, самимий ва оз сўзласа, демак у чин одамийликка яқинлашибди.

БОҒИМИЗГА ТОШ ОТМАНГ, ЖАНОБЛАР!

Боши биринчи бетда

Бирин-кетин Болтиқбўйидаги уч давлат — Литва, Латвия, Эстония ўзларининг мустақилликларини эълон қилдилар. 1991 йилнинг августидаги маълум воқеалардан сўнг Украина, Ўзбекистон, Гуржистон ва бошқа барча иттифоқдош республикалар ўз мустақилликларини эълон қилдилар. Яхшиямки, давр ўзгарган. Николай подшо замони эмас, уюшган дунё ҳамжамияти мавжуд, акс ҳолда яна кўп қирғин-баротлар бўлиши мумкин эди. Шу тариқа собиқ совет империяси ҳудудида 15 та мустақил давлат вужудга келди, буларнинг бари халқаро ҳуқуқларга эга, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тенгҳуқуқли аъзоларидир. Бу ҳол Россиядаги буюк миллатчилик иллати билан заҳарланган тўдаларнинг аламини келтирмоқда ва улар қўлларидан чиқиб кетган 14 та мустақил давлатни, яъни 5 миллион 326 минг 800 карра километр ҳудудга яна эгалик қилиш учун турли ҳийла-найранг кўрсатмоқдалар. Давлат Думасининг Беловеж қарорини бекор қилиш ҳақидаги «қарори» замирида ана шу улкан ҳудудни Россия таркибига яна қайтариш нияти ётади.

Халқаро ҳуқуққа доир мўътабар луғатларда ёзиб қўйилибдики, интегратсия дегани бир неча мамлакатнинг ягона иқтисодий сиёсат олиб боришидир. Интегратсиянинг миллий мустақиллик ва давлат суверенитетига мутлақо даҳли йўқ. Россия ва Белоруссиядаги айрим сиёсатдонлар эса интегратсияни қўшилиб кетиш деб ҳисобламоқдалар, бундан жуда эҳтиёт бўлиш керак. Мустақиллик бир марта бой бериб қўйилдими, тамом, уни қайта қўлга киритиш учун асрлар бўйи қул ва тобе бўлиб қолиш ҳеч гап эмас.

Энди Россия Федератсияси Давлат Думасининг ваколати ҳақида сўзлай. Думадаги барча депутатлар Россия ҳудудидан ва россиялик сайловчилар томонидан сайланган, холос. Улар орасида бошқа жойлардан сайланган биронтаям депутат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Демак, Думанинг қарори фақат Россия ҳудуди учунгина тегишли ва қонунийдир. Тўғри, Дума Россия Федератсиясининг Ҳамдўстлик таркибида қолиши ёки чиқиши масаласида ўз қарорини чиқазиши мумкин, бу унинг ваколати доирасига киради. Нимаики иш қилса, Россия ҳудудида қилиши мумкин, мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашишга унинг ҳаққи йўқ. Маълумки, Дума қонун чиқарувчи муассаса, ижрочи раёсат эмас. Думадагилар қонун-қоида нима, халқаро ҳуқуқ нима — буларни сизу бизлардан кам билишмайди, бироқ уларнинг онги ижтимоий иллат — буюк-рус шовинизми билан оғриган. Ўз мушкулотларини бошқалар ҳисобига осон қилишга ўрганиб қолишган-да. Шу йўл билан Россия фуқароларининг муайян қисмини чалғитиб, Думага депутат бўлиб олишган. Думадаги Россия компартияси вакиллари адашган, чалғиган фуқаролар томонидан сайланган, эски баланд мавқеларини қайта тиклаш илинжида иш юритмоқдалар. Собиқ катта раҳбарлардан бири Николай Рижковнинг, Дума қарори муносабати билан берган интервюсида, Пётр I ва Екатерина II номларини тилга олиб, олис ўша ўтмишни қўмсаши ҳам шу фикрга бир далилдир. Улар қанчалик уринмасинлар тарих ғилдирагини орқага айлантира олмайдилар.

Маълумки, компартия аъзоси деган тушунча бошқа, коммунист деган тушунча яна бошқа нарса. Собиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг 20 миллиондан ортиқ аъзосининг ҳаммаси ҳам маслак жиҳатдан коммунист бўлмаган. Аслида компартия сиёсий ташкилот эмас, балки давлат муассасаси бўлган, ижро ҳокимияти ҳам унинг қўлида бўлган. Шу сабабли кўпчилик дилида бошқа маслакда бўлса-да, замонасозлик қилиб фирқага ўтганлар жуда кўпдир. Собиқ КПССнинг бир бўлаги бўлган собиқ Ўзбекистон компартиясининг ярим миллиондан ортиқ аъзосининг аксарият қисми коммунист маслагида эмас эдилар, дейиш мумкин. Сўзимнинг исботи учун жуда ҳаётий, оддийгина далиллар келтиришим мумкин. Партия сафида бўлган ҳаммиллатларимиз ёки қондош-қариндош биродарларимиз орасида фарзанди комили қўлини ҳалолламаган ёки Рамазони шарифда кундуз куни тўй берган, марҳум ва марҳумаларга жаноза намозини ўқитмай дафн эттирган кишиларни кейинги ўттиз-қирқ йил ичида деярли учратганимиз йўқ, айниқса маҳаллаларимизда! Жуда оғир замонларда ҳам бундай расм-шаърий русумлар яширинча ўтказилган. Ўзбекистонда ҳеч қачон ҳақиқий маънода компартия бўлмаган, ҳозир ҳам йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Коммунистик мафкура азалдан халқимизнинг руҳига, турмуш тарзига ётдир. Шу боис диёримизда думадаги зюгановчиларнинг фикрини ёқловчи кишиларнинг топилиши амри маҳол, уларнинг сохта ваъдаларига учиб, адашиши мумкин бўлган ҳамюртларимиз орасида тушунтириш ишларини олиб бориш ҳар бир зиёлининг, шу жумладан қалам аҳлининг қалб амри, виждоний бурчи, ватанпарварлик садоқати бўлмоғи зарур. Бу борада айниқса ҳуқуқшунос олимларимиз, қонуншуносларимиз фаол бўлиши жоиз, деб ўйлаймиз. Ўзбекистоннинг буюк карвони порлоқ манзил томон борар экан, унга қараб юрувчи кимсалар бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Демак, мафкуравий кураш доимо давом этади, зиёлилар ҳамиша ҳушёр, сезгир ва ҳозиржавоб бўлишлари лозим.

Ёмондан касофат етади, деган гап рост. Россия Давлат Думасининг қарори Ғарбу Шарқдаги халқаро мўътадил иқлимга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ғарбдаги ривожланган йирик давлатлар туғилиши мумкин бўлган хавфнинг олдини олиш мақсадида ҳарбий бюджетга яна миллиард-миллиард доллар сарфлаш ҳаракатига тушдилар. Чоризмнинг мустамлака сиёсати азобини ўз бошидан кечирган Болтиқбўйи давлатлари ва Полша, Варшава шартномаси сиртмоғига боғланиб, яқиндагина тўла озодликка чиққан Шарқий Европадаги собиқ сотсиалистик лагер мамлакатлари Шарқдан туғилаётган хавф олдида НАТОга аъзо бўлиш орқали ўзларига паноҳ изламоқдалар...

Касофатнинг даражаси ва тури ҳам ҳар хил бўлар экан. У диёримизда қатъий эътиқодга эга бўлмаган, ўлкамизда бўлаётган буюк ишларнинг моҳиятига ҳали чуқур тушуниб етмаган (бунинг учун узоқ вақт керак уларга) кишиларга, шунингдек, собиқ компартия аъзоларига, айрим русийзабон фуқароларга нисбатан кучлироқ таъсир кўргазди, зимдан қутқуга солди дейиш ҳам мумкин. Баъзи кимсалар пирпиракка ўхшайдилар. Иккита оддийгина мисол келтираман. Пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан саналмиш Мовароуннаҳр кўчаси 1-уйда, соатли миноранинг шундоқ қаршисидаги бинода хусусий дорихона очилганди. Дастлаб лавҳалари давлат тилида эди. Кейин бу лавҳалар бошқаси билан алмаштирилди. Навоий кўчасидаги савдо растасидан ўрин олган бешта дорихонанинг тўрттасида ҳам шу аҳволга дуч келасиз. Умуман, кейинги уч-тўрт ой ичида шаҳримиздаги хусусий дорихоналар қўзиқориндек кўпайди. Бу яхши, албатта. Лекин буларда давлат тили ҳақидаги қонунга риоя қилинмаяпти, иккинчидан, ўнта дорихонада нарх-наво ўн хил, бир дори бу ерда 70 сўм бўлса, у ерда 170 сўм. Энг чатоқ жойи шундаки, дорихоналарда дори сотишга ҳуқуқи бўлган провизорлар эмас, асосан доришуносликдан йироқ тижоратчилар савдо қилмоқдалар.

Иккинчи мисол. Бундан олти-етти йил бурун республика Меҳнат ва уруш фахрийлари Марказий Кенгашининг ташаббуси билан «Нуроний» чойхонаси қурилган эди. Теварак-атрофда ягона бўлган бу чойхона мижозларга, биринчи навбатда Марказий Кенгашга иш билан келган қарияларга намунали хизмат кўрсатиб, уларнинг олқиши ва дуосини олмоқда эди. «Нуроний» шу йилнинг бошида янги хўжайин қўлига ўтди. Унинг биринчи қилган иши халойиқ кўз ўнгида бино пештоқидаги ғиштин НУРОНИЙ деган мўътабар сўзни тоштешар болта билан бузиб ташлаш бўлди. Деярли ҳеч ким тушунмайдиган хорижий тилларда ёзилган номлар ва лавҳалар билан бинони безатди.

Албатта, шаҳар бедарвоза эмас. Мутасаддиларнинг нигоҳи бу ва шунга ўхшаш нохуш ҳолларга тушиб қолса ажаб эмас. Умуман, пойтахт қиёфаси — миллат қиёфасидир. Шаҳар халқининг, узоқ-яқиндан ва чет эллардан келган меҳмонларнинг назари дастлаб жой номларига, шиор ва лавҳаларга тушади. Янги таҳрирдаги Давлат тили ҳақидаги адолатли қонунга тўла риоя қилиш ҳамма учун, жумладан, хусусий ва қўшма корхоналарнинг эгалари учун ҳам баб-баравар тегишлидир. Назорат қилиш эса туман ва шаҳар раҳбарларининг хизмат вазифасига киради. Зотан, мустақил давлатда унинг Президенти чиқарган фармон ва қонунлари, Парламенти қабул қилган қонун ва қарорлар ўз ҳудудида барча учун бирдек дахлдор, уларни бажариш ва ҳурмат қилиш шарт.

Ҳаётимда кўпгина ташвишли ва қувончли воқеаларга шоҳид бўлганман. Энг қувончлиси, энг эсда қоладигани 1991 йилнинг 31 августида юз берган. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг катта мажлислар залида Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини тантанали равишда эълон қилганида камина ҳам шу тарихий воқеага шоҳид бўлганман. Энг кучли ҳаяжонни ҳам шунда кечирганман. Энг узоқ давом этган гулдуросли қарсакларни ҳам шунда эшитганман. Таблодаги ёқлаб овоз берувчилар рақами 500, бетарафлар ва қаршилар 00 ва 00 эди! Демак, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги Парламентнинг 500 аъзоси томонидан тўла маъқулланди. Тарихий воқеа юз берди. Бундай бирдамлик ва ҳамжиҳатлик Парламентимиз тарихида биринчи марта содир бўлди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутатлари орасида ўзбеклар билан бирга қорақалпоқлар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, руслар, украинлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам бор эди. Улар депутат сифатида, мамлакат фуқароси сифатида бир жону бир тан бўлиб, мустақиллик учун овоз бердилар. Озодлик, мустақиллик ғояси ҳаммани бирлаштирди. Бу ғоя энг қудратли куч ва омилдир.

Ушбу мақоланинг сўнгида Президент Ислом Каримовнинг Россия Давлат Думасининг қарори муносабати билан Президент Борис Елсинга йўллаган мактубини ўқиганимда дарҳол ёдимга тушган, Турон давлатчилигига доир бир асотирни тилга олишни ўринли деб биламан. Ровийларнинг ёзишича, олис бир юртнинг қитмир ҳокими турк хоқонига «фалончи тулпорингни менга совға қил» деб элчи юборибди. Ҳоқоннинг аёнлари бунга жавобан унга «Бу тулпор сизнинг суюкли, вафодор отингиздир, у сизни қанчадан-қанча ҳалокату фалокатлардан омон олиб чиққан, ўлимлардан сақлаб қолган. Тулпорингизни берманг. Отланиб, у нобакор ҳокимнинг таъзирини бериб қўйинг», деб маслаҳат қилишибди. Ҳоқон эса бундай дебди: «Шошилмайлик. Битта тулпор деб қон тўкмайлик. Эл-юрт обод ва фаровон бўлса, бундай тулпорлар ҳали кўп туғилаверади. Майли, арқонни узун ташлайлик-да, у тулпорни элчига қўшиб бериб юборайлик».

У ҳоким яна қитмирлигини давом эттирибди. Бу гал у хоқондан хўтанлик сулув канизагини элчи орқали сўратибди. Ҳоқоннинг ёнида ҳозиру нозир турган ботирлари буни эшитиб, важоҳатли тус олибдилар-да, бундай дейишибди: «Ҳоқоним, рухсат беринг, у беодобнинг бошини танасидан жудо қилиб, эсини киритиб қўяйлик». Ҳоқон эса яна босиқлик кўрсатибди: «Хўтанлик бу сулув бизга тортиқ қилинган бир канизакдир. Шуни деб урушга киришмайлик. Давлатимиз қудратли, юртимиз фаровон бўлса, мудом тортиқлар келаверади. Майли, у канизакни элчига қўшиб бериб юборинг».

Икки марта талаби қондирилган ҳоким учинчи марта элчи орқали ҳоқон мамлакатининг кичик бир қисмини сўраттирибди. Ҳоқон аркони давлатини йиғиб, маслаҳат солибди: «Хўш, бу талабга нима дейсизлар?» Аркони давлат эса хоқоннинг тинчликсеварлигини, аввалги икки талабни қондирилганлигини назарда тутиб, шундай фикр билдирибди: «У ҳоким сўраттираётган ер кимсасиз ва тақир жойлар. У ердан мамлакат хазинасига хирож ҳам тушмайди. У ерни берилса, зиён етмайди. У ҳоким шу билан тинчиса тинчий қолсин, орага совуқчилик тушмасин, низо кўтарилмасин».

Ҳоқон эса дарғазаб бўлиб, бу фикрни кескин ва қатъий рад этибди: «Йўқ, мамлакатимнинг бир қарич ери ҳам ҳеч кимга берилмайди! У ер Ватандир, аждодларимизнинг ҳоки туроби қўшилган муқаддас тупроқдир. Она тупроқнинг бир зарраси ҳам табаррукдир. Ватан бус-бутун бўлганда Ватан бўлади, уни кемтик қилишга ҳеч кимнинг даҳли йўқ. Шунга йўл қўйсак, аждодларимизнинг руҳи безовта бўлиб, бизга тинчлик бермайди, келажак авлодларимиз бизни асло кечирмайди. Қани, довуллар чалинсин! Ботирларим, отланинг! Урҳо-урҳо!».

Ўшанда хоқоннинг ҳамияти қўзғалган экан-да! Ҳамият қўзғалганда бутун эл оёққа туради. Ҳа, турк ўғлонининг ҳамияти кучлидир.

Жаноблар, яхшиси боғимизга тош отманг!

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

ЖАДИДЧИЛИК ВА МИЛЛИЙ МАСАЛА

Миллий масала — қадим масала. У жамият тараққиётида миллат, миллатлараро муносабат ва Ватан пайдо бўлиши билан боғлиқ бутун инсониятга дахлдор, кенг қамровли масала. Дунё тарихидан маълумки, унинг ечимига ҳар хил муносабатда бўлиб, ҳар хил усулу услубиятлар қўлланилиб келинмоқда. Бироқ масалаларнинг ечими ҳали ўз ниҳоясига етганича йўқ, етмайди ҳам. У тобора янгиланиб, долзарблашиб бораверади. Шунинг учун, у ўзига нисбатан тўғри муносабат талаб этади.

Собиқ СССР даврида «бизда миллий масала узил-кесил ҳал бўлди», «халқаро дўстлик абадийлашди» деб қуруқ жар солиб келинди. Амалда эса, чоризмдан мерос қолган буюк рус шовинизмини кучайтириш, руслаштириш, дини исломни бузиш, миллатларни Она-ватанидан бошқа жойларга кўчириш, миллий маънавият, урф-одат ва анъаналарни ўзгартиришдек ўта разил сиёсат ҳукмрон бўлди.

Ўтмишга айланган коммунистик «адолат»нинг қусури бугунги кунда ҳаммага аён. Собиқ СССР тарқалиб, бир қатор миллий мустақил давлатлар пайдо бўлди. Миллий эрк ва муносабатларни қайта қуриш бошланди. Бу эса Россия билан Чеченистон, Озарбойжон билан Арманистон, Грузия билан Абхазия ўртасидаги қонли тўқнашувларга сабаб бўлди. Ўзбекистонда эса, миллатлараро муносабат барқарорлашиб, тобора мустаҳкамланмоқда. Бу аввало миллий истиқлол ғалаба қозониши билан боғлиқ бўлди.

Салкам бир ярим аср миллат армони бўлиб келган миллий истиқлол берган ҳаётбахш имкониятлар Президентимизнинг улкан сайъ-ҳаракатлари ила тобора ҳаётга кенг тадбиқ этилмоқда. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг миллий масала соҳасидаги сиёсати қандайдир юқоридан тиқиштирилган ёки мавҳум «буюк инқилобий ғоялар»га эмас, балки аниқ халқаро муносабат ва тарихий анъаналарга асосланганлиги ижобий натижалар бермоқда. Барча миллий ноиноқлик, норозилик ва тўқнашувлар, ҳар хил ирқий ва миллий камситиш ёки устунлик, нотўғри муносабатларни сиртдан тиқиштириш натижасида пайдо бўладиган, шовинизмдан келиб чиқадиган зиддиятлар бартараф этилди.

Шўро даврида миллатларнинг тарихи сохталаштирилди. Миллатлар ўз тарихларини бир томонлама ўргандилар. Болшевизмнинг инқилобий йўли ўзини оқламади. У миллатлар орасидагина эмас, бир миллатнинг ўзидан иккита бир-бирига қарама-қарши, ҳеч келиша олмайдиган синфни урчитди, синфий душманликни сунъий равишда авж олдирди. Коммунистлар миллатлар устидан катта ҳарбий ва мафкуравий кучга таянувчи йўқсиллик диктатурасини ўрнатди.

Миллий масала ечимига тарихий нуқтаи назардан ёндашмоқ жоиз. Агар тарихимизга назар солсак, унда ибратли тажриба ва сабоқлар кўплаб топилади. Жадидчиликдаги миллийлик ва миллий масала ечимига оид ҳаракатлар ҳам диққатга сазовордир.

Жадидчилик ҳаракатининг миллий жиҳатлари ва миллий муносабатлар соҳасидаги қарашлари бугунги кун билан ҳамоҳанг.

Аввало, жадидчилик ҳақида...

У ўтган асрнинг 80-йилларида маърифатпарварлик ғояси сифатида пайдо бўлиб, 90-йилларда «савтийя» — товуш усулига асосланган янги (жадид) мактабларни очишдан бошланди. Тез орада у миллий адабиёт, миллий матбуот ва театрга асос солиш билан бирга муштарак миллий ижтимоий-сиёсий ва демократик, миллий озодлик ҳаракатига айланди.

Профессор Бегали Қосимовнинг эътирофича, жадидчилик «...тасодифий ҳодиса эмас, муайян шароит маҳсули, эҳтиёж фарзанди. У бундан юз йил олдинги мустамлака Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига бўлган ҳаётий эҳтиёжи туфайли дунёга келди».

Хўш, бундан роппа-роса юз йил олдин мамлакатимиз тарихида жадидчиликни «ҳаётий эҳтиёжга» айлантирган омиллар нималардан иборат бўлди? Ўша пайтда бир томондан рус мустамлакачилари ўз ҳукмронликларини абадийлаштириш умидида маҳаллий миллатни қарам ва тобелик мафкурасида тарбиялаш, руслаштириш, ислом динини бузиш, мамлакатни хом ашё маконига айлантириш сиёсатини кучайтирдилар. Иккинчи томондан, маҳаллий феодал муносабатлар кучли бўлиб, миллат эса ижтимоий ғафлат уйқусида эди. Босқинчилар бу ҳолатни сақлаб туришдан манфаатдор бўлиб, аниқ режаларини амалга оширдилар. Шунга қарамай мамлакатда миллий уйғонишга интилиш жонланди.

Фозилу фузалолар орасида илғор руҳдаги кишилар пайдо бўлди. Улар Шарқона исломий ва Оврўпоча дунёвий илм ҳамда маданиятни, ахлоқу одобни яхши билган, миллат ва Ватан тақдири учун қайғурадиган кишилар эдилар. Улар ишни маърифатпарварликдан бошладилар. Ватан озодлиги, миллат тараққиёти янгича таълим-тарбия ва дунёвий илмга боғлиқ деб билдилар. Абулла Авлонийнинг ушбу сўзлари бежиз айтилмаган эди: «...Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидур». «Бизларни илм жаҳолат қоронғулиғидан қутқарур, маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуғ ишлардан қутқарур, яхши хулқ ва одоб соҳиби қилур».

Жадидчилик маориф ва маърифатпарварликдан бошланса-да, ўз мақсад ва моҳиятига кўра пайдо бўлишиданоқ истибдодга қарши миллий озодлик ҳаракатидан иборат ижтимоий бир ҳодиса эди. У ярим асрлик ўз тарихига эга. Бу давр ичида у мамлакатдаги маданий, ижтимоий ва инқилобий ҳаракатнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида фаолият кўрсатди. Тарихимизда ташкилий уюшган хайрия жамияти («Кўмак», «Дорил-ожизин»), бадиий-ижодий ва нашрчилик уюшмалари («Турон кутубхонаси», «Турон», «Нашр ва маориф», «Чиғатой»), ижтимоий-сиёсий ташкилотлар («Иттиҳоди тараққий», «Шўрои исломия», «Иттиҳоди миллий», «Ботир гапчилар», «Миллий истиқлол», «Туркистон миллий бирлиги»), сиёсий партиялар («Ёш бухороликлар», «Ёш хиваликлар», «Турк адами марказияти», «Алаш»), миллий ҳукуматлар («Туркистон миллий мухторияти», «Алаш ўрда», «Бухоро халқ республикаси», «Хоразм халқ республикаси») ва бошқалар ҳам бевосита жадидчилик билан боғлиқ бўлди.

Кўриниб турибдики, жадидчилик кўп қирралик миллий ҳаракат эди. Ундаги миллийликни тор доирада бир миллатгагина хос деб тушунмаслик керак. Гарчанд тарихимизда жадидчиликдек «миллат», «миллийлик» атамаларини кўп ишлатган, истеъмолга олиб кирган, миллий онг ва мафкура тарғиботи билан машғул бўлган бошқа бирорта мунтазам ҳаракат топилмаса ҳам, жадидчиликдаги миллийлик қадим-қадимдан илдизлари туташ бўлган туркий халқлар бирлиги тушунчасидан иборат эди. Шунинг учун жадидлар умумтуркий тил, адабиёт ва матбуот яратиш ва умумтуркий маданият ва мафкура учун курашдилар, уюшдилар ва ижодий меҳнат қилдилар.

Жадидчиликдаги миллий масаланинг бош мақсад ва вазифаси Ватанни ташқи босқиндан озод қилиб, истиқлолга олиб чиқиш, миллатни эса илмли ва маърифатли, бой-бадавлат қилиб жаҳондаги тараққий этган халқлар даражасига кўтаришдан иборат эди. Тошкент жадидчилигига асос солиб, миллатнинг маънавий отаси даражасигача кўтарилган Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг айтишича, жадидчиликнинг асосий шиори: «Озодлик, Тенглик ва Адолат» бўлган.

Бу бош мақсадни амалга ошириш учун жадидлар асосан тинч демократик кураш йўлидан бордилар. Диний-дунёвий илм ва таълимотга асосланган миллий халқ маорифига асос солдилар. Миллий адабиёт ва театр ҳамда матбуотни яратдилар.

Жадидчиликни тинч демократик кураш, ислоҳотчилик ва маърифатпарварликдангина иборат деб тушуниш ҳам унчалик тўғри эмас. У кучлар нисбатини ҳисобга олган ҳолда курашнинг қуроллик шаклидан ҳам фойдаланди. Бу шўро ҳокимияти даврида яққол сезилди. Яширин фаолиятда бўлган «Туркистон миллий бирлиги» (1920-1923 й.), «Миллий иттиҳод» (1920-1925 й.), «Миллий истиқлол» (1925-1929 й.) ташкилотлари коммунистик босқин ва мустамлакачиликка қарши курашнинг «босмачилик» (империя мафкураси истилоҳи) шакли ва усулларидан, яъни «босмачилик» урушидан ҳам кенг фойдаландилар.

Шуни ҳам айтиш лозимки, жадидчилик ғояси ва унинг амалда тарихан воқе бўлишига бир эмас, бир неча миллатнинг маориф ва маданияти, ижтимоий-сиёсий тараққиёти туртки бўлди. Масалан, Русия қўли остидаги мусулмон халқлари жадидчилари отаси Исмоилбек Гаспрали Қиримда биринчи жадид мактабини ташкил этишдан аввал Туркия, Россия, Франсия ва бошқа Осиё ҳамда Оврўпо мамлакатларида бўлиб, уларнинг маориф соҳасидаги тажрибаларини ўрганиб, умумлаштирди.

Туркистондаги жадидчилик асосчилари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Ажзий, Фитрат, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ва бошқалар ҳам бу икки географик минтақа маданияти ва маорифини яхши билган кишилар эди. Бу ерда яна жадидчилик Русия босқини остида қолган мусулмон ва туркий халқларнинг туб манфаати ва маданияти ҳимоячиси сифатида пайдо бўлганлиги ҳисобга олинса, у табиатан умуминсоний мазмун ва моҳиятга эга эканлиги аниқ сезилади.

Маълумки, Русия Туркистонни босиб олгач, унинг ҳарбий маъмурияти, армияси ва казаклар (ҳарбийлашган деҳқонлар)и буюк рус шовинизмини кучайтирдилар.

Жадидчилик ҳаракати ривожланишида Русиядаги сотсиал демократик ва инқилобий ҳаракатлар ҳамда сиёсий партияларнинг ҳам таъсири кучли бўлган. Шунинг учун ҳам жадидлар миллий зулм ва адолатсизликнинг бош айбдори оқ подшо деб билдилар, унинг ағдарилишидан манфаатдор бўлдилар. «Чор ҳукуматини йўқотиш жадидларнинг тилагида бор эди, — дейди Мунаввар қори. — Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлиши яширин эмас».

Жадидлар оқ подшони тахтдан ағдарган феврал демократик инқилоби ғалабасини шу боис катта севинч билан кутиб олдилар. Инқилоб туфайли маълум бир муддат демократия ғалаба қилди. Мустамлакачилик салтанати ларзага келди. Қарам халқлар, шу жумладан ўзбек халқи учун ҳам бироз бўлса-да озод бўлиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш имконияти туғилди, деб ўйладилар. Лекин империя кўп ўтмай бу умидларни бутунлай барбод қилди. Жадидлар орасида ўзларини эсер ва бошқа рус партияларининг аъзолари деб ҳисобловчилар қаттиқ алдандилар. Руслар ёрдамида миллий адолат ғалаба қозонади деб умидвор бўлганлар ўз қонларига ботирилдилар.

Жадидларнинг кўпчилиги болшевикларнинг ёлғон ишлари ва даъватларига ишондилар ва оғир тарихий хатога йўл қўйдилар.

Тошкентда 1917 йил ноябрда шўро ҳукумати тузилиб, унинг таркибига бирорта ҳам миллий мусулмон вакили киритилмади. Ана шундан сўнг жадид ва бошқа зиёлилар жуда шошилинч равишда Қўқон шаҳрида бутун Туркистон мусулмонларининг IV қурултойини чақириб унда 51 кишидан иборат Туркистон миллат мажлиси — халқ кенгашини сайладилар. Кенгаш эса 12 кишилик Туркистон Миллий мухторияти ҳукуматини тузди. Бу ҳукумат Русия ҳукуматига нисбатан мухтор (автоном) ҳуқуқига эга эди. Олий мажлис ва ҳукумат таркибига барча миллат вакиллари киритилди. Масалан, Олий мажлисдаги 54 ўриндан 18 таси номусулмон халқ вакилларига ажратилган эди.

Шунга қарамай, Тошкентда инқилоб байроғи остида тузилган номусулмон, мустамлака ва мустабид характеридаги шўро ҳукумати Туркистон мухториятини тан олмай, бутун Туркистон мусулмонлари хоҳиш-иродасига қарши уни қонга ботирди.

Жадидчиликдаги миллий масаланинг моҳияти уни камсонлик майда миллатларга бўлган муносабатидан ҳам маълум. Унда ҳеч вақт майда миллатларни камситиш бўлган эмас. Аксинча ҳамма миллат тенг ҳисобланган. Буни Туркистон мухторияти ҳукумати ва унинг олий раёсати миллат мажлиси таркиби исботлаб турибди. Уларда камсонлик рус ва яҳудий миллатлари вакилларига ўрин ажратилгани ҳозир ҳаммага маълум. Жадидчиликдаги майда миллатлар масаласига эътибор бериб, Мунаввар қори ўзининг «Хотираларим» номли асарида шундай деб ёзади: «Маҳаллий зиёлиларнинг орасида ёки мавжуд ташкилотларда бирор марта ҳам майда ёки камсонлик миллатлар масаласи муҳокама қилинганлигини эслай олмайман...

Маълумки, подшо замонида миллий камсонлик аҳоли (бегоналар) ҳукмрон миллат — руслар фойдаланган ҳуқуқлардан бебаҳра бўлиб, доимо жабр-зулм остида бўлган». Жадидчилик ҳаракатининг моҳияти шўро тарихида бутунлай сохталаштириб келинди.

Агар шўро даврида ёзилган китобларни варақласак, уларда жадидчилик ҳақида «буржуа либерал», «реаксион оқим», «миллатчи» (бошқа миллатларга нисбатан душман маъносида), «халқ душмани» деган ноҳақ айбларни ўқиймиз. Шўронинг жадидчиликка қўйган айбларидан яна бири «пантуркизм» бўлди. Бу ҳам албатта, ҳеч қандай асосга эга бўлмаган туҳмат эди. Бу тўғрида Мунаввар қори ҳозиргача кўпчиликка маълум бўлмаган жадидчиликдаги бор ҳақиқатни ёзиб қолдирган. Мана у: «Пантуркистик интилишлар ҳам ўз ўрнига эга эди. Бизнингча, буларнинг амалий кўриниши Ўрта Осиёдаги туркий халқларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган тил яратишдан иборат бўлиши керак эди. Бизлар шу умумий тил орқали бу халқларнинг бирлигини осонгина мустаҳкамлаймиз деб ўйлаганмиз. Бизларнинг пантуркизм Ўрта Осиё доирасидан четга чиқмас эди. Чунки, бизлар уни бугуннинг амалий вазифаси деб тушунганмиз. Пантуркизм ғоясини бутун туркий халқларга нисбатан амалга оширилишига («Буюк Турон» ғоясига) бизлар ишонмас эдик.

Бизларнинг пантуркизмимизнинг туб сиёсий мазмуни шундан иборат эдики, асосий мақсад мустақилликка бутун Ўрта Осиё халқларининг ягона ҳаракати билан тезроқ эришиш мумкин деб ўйлаган эдик».

Хулоса шуки, ҳозирда забардаст қадамлар билан олға интилаётган истиқлолимизни илк бора жадидлар орзу қилган эди.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан юзага келган «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракати тарихий ҳақиқат эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу аввало ўз мазмуни-моҳиятига кўра ўтмишда истиқлолимиз учун жон фидо қилган зотларнинг миллий истиқлол мафкурасини тўғри тушунишга хизмат этади.

Шунингдек, бу умумтуркий маданий-маърифий, ижтимоий онг ва эътиқод, анъаналар бирлигига содиқликни билдиради.

Энг муҳими эса, «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракати биргина Ўзбекистонни миллий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки бутун Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу биринчидан. Иккинчидан эса, шу катта тарихий-географик минтақадаги миллатлар дўстлигини мустаҳкамлайди.

Сотимжон ХОЛБОЕВ,
дотсент

Навоийнинг баҳорий байтлари

Бу мавзу маърифатдан узоқ одамларга жуда кичик ва оддий кўринади. Аслида ундай эмас. Баҳор ва гулу гулзорларда олам-олам маънолар борлигини аҳли дил ва аҳли маъно жумласидаги инсонлар яхши сезадилар, аммо бу мажозлар ҳақиқатини англашга кўпинча ожизлик қиладилар. Биз ҳам бу ерда Навоий тасвирлаган руҳ гуллари ва тиконларини теран англашга даъво қилолмаймиз. Биз фақат бу сирлар олами пардасининг бир четини ҳиёл очиб, қарашга дилимизда журъат сезамиз.

Навоий нигоҳида баҳор чаманлари, ҳусну жамол гулшани, мангу яшиллигини йўқотмаган сарву шамшодлар ва аксинча, хазон фасли, равза ашжори -жаннат дарахтларининг ишқ ва ҳижрон гулханларида куйиб-ёниши, лола қонин тўкувчи чарх, гулзорсиз қолган булбуллар - барчаси руҳлар оламидандур.

Навбаҳор айёми бўлмиш,
мен диёру ёрсиз,
Булбул ўлғондек хазон
фасли гулу гулзорсиз.
Гоҳ, сарв узра,
гоҳи гул узра булбул нағмасоз,
Ваҳки, менмен гунгу
лол ул сарви гулрухсорсиз.

Яъни, «ишқсиз, ёнишсиз (фақат еб-ичиш ва мол-мулк дардида) бир дам турсам, менга жаннат дарахтлари гўзал кўринмайди, улар назаримда ўтиндай, дарахтларнинг гуллари эса оловдек жонимни куйдиради».

Шоир ғазалларида кўпинча, камолат аломати — дард ва қайғу баҳор нафосати билан йўғрилган ва ё боғу гулзорлар малоҳати ҳам ва андуҳ ила олуда.

Хуррам ўлди боғу бир
гулдин ичимда ғам ҳануз,
Кулди ҳар ён ғунчаву
кўнглим иши мотам ҳануз.
Булбул ўлди гулҳарими
ҳирмонининг маҳрами,
Гулзорим кўйида мен
телба номаҳрам ҳануз.
Очди савдо дафъиға
сунбул мусалсал туррасин,
Оҳким, бўйнимда
занжири жунун маҳкам ҳануз...

Бу ерда изоҳнинг ҳожати йўқ. Чиндан ҳам сунбул занжирсимон кокиллари шохлари тиббиётда одам вужудини хилт-савдодан тозалайди. Аммо, ишқ жунунидан мажнунлик ҳолига тушган шоирнинг зиммасидаги бу олам олойишлари — ғараз манфаатлари билан боғлиқлик занжирлари эса инсон бошидаги хаёлидаги, кўнглидаги ажаб савдоларни дафъ этолмайди, йўқотолмайди. Аксинча, бу манфаатпарастлик занжирлари зарарли савдони йўқотиш ўрнига, одамни жинни қилади, мол-дунё жиннисига айлантиради.

Оташин гул баргидан
хильатки жононимдадир,
Хильат эрмас, ул бир
ўтдурким, менинг жонимдадур.
Жон қуши хунобидин
тутмиш малоҳат наҳли ранг,
Ё либоси лолагун
сарви хиромонимдадур.

Эй, Навоий, истама жон
булбулин ҳар гулдаким,
Ул тўни гулгун, лаби
гулбарги хандонимдадур.

Шоирнинг севгилиси гулбаргдек нафис ва алвон либосда, аммо, шоир учун ул либос эмас, жонига туташган ўтдир. Шу оловда куяётган жон қушининг қонли кўз ёшидан ёрнинг ниҳолдек нозик қомати яшнаб, ранг олмоқда. Навоий севган ташбеҳлардан бири жон булбули. Бу баъзи шоирлар ва ё шоиртабъ дўстлар ўйлаганидек, жўн бир қуш эмас, балки, барча оламларни Яратган ягона Аллоҳга шукроналар айтувчи, илоҳий ишқни куйлагувчи булбулдир. Жон булбули ҳар кимга ҳам насиб этмаган. Баъзиларда эҳтимол, жон қарғаси, жон қалхати, жон бўриси, жон тулкиси бордир, бу бизга аён эмас.

Шоир айтади: Тоғу қирларга, водийларга баҳор келиб «Дашт сарсабз ўлдию, мен саргардон ҳануз. Тонг насими бирла найсон ёмғири не судким, Оҳу ашким даҳр аро ҳар дам солур тўфон ҳануз...Ёнгил, (Қайтиш) эй, Исо—дамим, (яъни, ўлган жисмим ва руҳимга жон бағишлагувчи, эй ёр), ҳуснинг баҳори ҳақиқим. Бордурур муҳлик (ҳалокатли) жунунима, даъво имкон ҳануз.Шайх манъ айлар жунун ҳар дам Навоийга, кўрунг, Ким баҳор айёмида ғофилдур ул нодон ҳануз». Бу ерда шайх—шўролар даврида қоралаган пок ийманли, илоҳий ишқни шариат [illegible] чекланган, илоҳий маърифатга йўл топмай, [illegible] ли ишқ-муҳаббатни [illegible] ақл ўргатувчи нодон, [illegible] мужассами.

Ёрсиз (кенг маънода бу оламдаги бечора, мискин, ғариблар дўсти - Аллоҳ таолосиз) кенг даштлар ҳам шоирга баҳор ҳақида хабар бермайди, боғлар — тараб— хуррамлик келтирмайди.

Менга даштдан фараҳ йўқ,
манга боғдин тараб йўқ,
Фараҳим — сенинг ҳадисинг,
тарабим — сенинг хаёлинг.

Ҳақ таоло қаршисида меҳр-Қуёш ҳам ҳусни билан мақтанолмайди. Мабодо мақтанса, у камолот эгаси эмас, заволлидир.

Юзида, урибсен, эй Меҳр,
камоли ҳуснидин дам,
Менга равшан ўлди бу дам-ки,
етиб турур заволинг.

Шоир ишқ-муҳаббатни шундай ягона, тенгсиз зотгаки, оламга келиб, ишқдан ғарази, манфаати — ул зотнинг висолидир.

Тилагим сенинг қурушинг,
талабим - сенинг жамолинг,
Неча кун тириклигимдин ғаразим
— сенинг висолинг.

Атоқли миллий санъаткоримиз, режиссёр Мақсуд ака Юнусов «Лайли ва Мажнун» видеофилмида Навоийнинг энг теран илоҳий ишқ навоси бўлган шу ғазали-қўшиғини асосий оҳанг-лейтмотив қилиб олгани таҳсинга сазовордир.

Аммо, Қуёш нурларидан дала, боғлар, гулзор чаманзорлар яшнаса-да, бу нурлар манбаига яқинлашиш хавфлидир. Қуёшга яқин борилса, борлиқ куйиб, кулга айланади. Ул ягона, тенгсиз Зот, оламлар яратувчиси эса, (имом Муҳаммад Ғаззолий уқдиргандек) Қуёшга нисбатан минг-минг чандон ёруғроқ ва оташинроқдир. Қуръони Каримда айтилганидек, Мусо Калимуллоҳ «Жамолингни бир кўрсат» деб, Аллоҳга илтижо қилганида, ул тенгсиз Зот «Тур тоғига қара!» деб буюрган. Қараса, Аллоҳ жамолининг бир учқунидан Тур тоғининг қоялари ёниб, кулга айланди. Шундай экан, ул Олий Гўзаллик-

Тикланиш жараёнлари

ИСЛОҲОТ ВА ИСТИҚЛОЛ ИЛМИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИГА БИР ЙИЛ ТЎЛДИ

«Академиянинг моҳияти унинг номида мужассамлашган. Унда ҳаммаси акс этган: у бизнинг давлатимиз, фуқаро жамияти қурилишида, сиёсий, иқтисодий тизимларнинг ислоҳ қилинишида, биз олдимизга қўйган мақсадларга эришишда тарихий, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши керак».

Ислом КАРИМОВ

Мустақилликка эришилгандан кейинги қисқа даврда мамлакатимизда катта ютуқлар қўлга киритилди. Ислоҳотларнинг биринчи босқичи муваффақиятли якунланиб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда янги босқичга ўтилди. Бунга, албатта, мамлакатимиз раҳбариятининг изчил сиёсати, жойларда ишбилармон ва иқтидорли кадрларнинг салоҳияти туфайли эришилмоқда. Аммо бугун ислоҳотлар тобора чуқурлашиб, халқаро муносабатларимиз ҳар томонлама кенгайиб бораётган пайтда раҳбар ходимларнинг билим-савиясини ошириш зарурати туғилди. Юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ана шу заруратдан келиб чиқиб, янги типдаги ғайратли ва малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида 1995 йил 19 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши Академиясини ташкил қилиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

Ушбу Фармоннинг эълон қилинганлигига бир йил тўлди. Унинг ижроси қай даражада амалга ошяпти, деган савол туғилиши табиий. Саволга жавоб олиш учун яқинда Академияда бўлиб, бу ерда раҳбарлар тайёрлаш учун яратилган шароитлар, таҳсил жараёни билан танишдик, Академиянинг профессор-ўқитувчилари, факултетлар раҳбарлари билан мулоқотда бўлдик.

Фатҳулла ЭРГАШЕВ,
Давлат ва жамият қурилиши факултети декани,
тарих фанлари номзоди:

— Академия зиммасига мустақил республикамизга жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган раҳбар кадрлар тайёрлаб беришдек юксак вазифа юкланган. Жаҳон мамлакатлари тажрибаси эса асосий раҳбар ходимлар ҳуқуқшунос ва иқтисодчилардан ташкил топиши лозимлигини кўрсатади. Шу боис Академияда давлат ва жамият қурилиши ҳамда бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари факултетлари тузилди. Танлов уч босқич бўйича ташкил қилиниб, ижтимоий-сиёсий муаммолар ҳамда чет тили бўйича суҳбатлар, фанлар бўйича тест синовлар ўтказилди. Бунда мутахассислигига қараб Ўзбекистон тарихи, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, бозор иқтисодиёти, маркетинг, менежмент, информатика мавзуларида тингловчилар билимларини синаб, иқтидорларини баҳоладик. Нуфузли комиссия кўригидан ўтиб, Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларидан келган энг муносиб номзодлардан 68 нафар тингловчи ўқишга қабул қилинди.

Академиямиз ўқув режасига кирган дастурлар жаҳон андозаларига тўла мос келади. Бинобарин, улар республикамизнинг етакчи олимлари томонидан экспертизадан ўтган. Худди шунга мувофиқ дарс берадиган асосий штатдаги ўқитувчиларимизнинг айримлари АҚШ ҳамда Ғарбий Европа мамлакатларида ўқиб, тажриба орттириб келишган.

Академиямизнинг ўзига хос яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу ерда ёш раҳбар ходимларни тайёрлаш билан чекланиб қолинмайди, балки давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини барпо қилиш, бозор муносабатларини шакллантириш юзасидан илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб борилади. Таҳсил жараёнларига мамлакатимиздаги йирик олимлар жалб қилинганлар. Шунингдек, республика вазирликлари, қўмиталар, ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбар ва мутахассислари, чет мамлакатларнинг республикамиздаги элчилари, мамлакатимизнинг чет эллардаги элчилари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро сиёсий-иқтисодий ташкилотлар, банклар вакиллари тингловчилар ҳузурида маърузалар ўқимоқдалар. Тингловчилар янги жамиятни барпо қилиш, бозор муносабатларини шакллантириш борасида жаҳон тажрибаларини ўрганиш имкониятига эга бўляптилар.

Академиянинг дарсхоналари замонавий техника ва кўргазмали материаллари билан аъло даражада таъминланган.

Маълумки, бу йил соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланади. Шубҳасиз, Амир Темурнинг давлат тузиш фаолияти, давлатчилик маромлари юзасидан айтган ўгитлари Академия тингловчилари учун жуда муҳимдир. Зеро, буюк соҳибқирон билимдон, мард, тадбирли бир раҳбар, мингта тадбирсиз раҳбардан устундир, деган эди. Ҳукумат ишларини юритиш, халққа яқин бўлиш, унинг ўй-дардлари билан яшаш, фаровонлиги, тинч-осойишталигини таъминлаш, бунёдкорлик каби фазилатлар ҳар бир раҳбардан талаб этилади. Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти бу борада барчага ўрнак. Шунинг учун ҳам Тарих кафедраси бунёд этган кўргазмаларда соҳибқироннинг шаҳарлар, боғ-роғлар бунёд этиш, қалъаю-қасрлар қуриш борасида қилган ажойиб ишлари яққол акс эттирилган.

«Буюк ипак йўли»га бағишланган кўргазмалар ҳам кишининг диққатини ўзига тортади.

Берилаётган кенг қамровли билим тингловчиларга жойларда иқтисодий ислоҳотларини амалга ошириб, халқимизга ўзлигини танитиш, чет эл тадбиркорлари билан амалий алоқалар боғлашда жуда қўл келишига ишонамиз.

Бахтиёр ЭРКАЕВ,
Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари факултети декани, иқтисод фанлари доктори:

— Биз келгуси асрда яшайдиган умумжаҳон сивилизатсиясига давлат қурилиши соҳасида тараққий этган бошқа халқлар эришган тажрибаларга ва ўзимизга хос миллий анъаналарга, ижтимоий қадриятларга асосланган одил, тинчликсевар янги уйимизнинг пойдеворини қуришни бошладик.

Ўз озодлигига эришган халқ фақат фидойилик, ватанпарварлик ва билим машъали билангина келажагини ёрита олади.

Академиянинг ташкил этилиши узоқни кўзлаб қилинган ишдир. Давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг асл моҳияти ҳам жамиятимизда ўтказилаётган ислоҳотларни сон кўрсаткичлари билангина эмас, балки сифат мезонларини юқорига кўтаришдан иборатдир. Ушбу юксак илмий даргоҳ бизнинг давлатчилигимиз, фуқаро жамияти қурилишида, сиёсий, иқтисодий тизимларнинг ислоҳ қилинишида, олдимизга қўйган мақсадларга эришишда тарихий, муҳим аҳамиятга эгадир.

Академияда олиб борилаётган ўқув жараёни ҳақида алоҳида тўхталиш лозим, деб ўйлайман. Бу жараён жуда пухта тузилган бўлиб, бозор иқтисодиётининг асосий қонуниятларини чуқурлаштириб ўқитилишига алоҳида эътибор берилябти.

Ўтиш даврида республикамиздаги ҳар бир раҳбар олиб борилаётган кенг йўналишдаги ислоҳотлар, бозор иқтисодиёти қонунларини чуқур билиши асосий вазифалардан ҳисобланади. Шу мақсадда Академияда бир ойлик курслар ташкил қилинди. Мазкур курсда ҳозирга қадар 60 та туман ҳокими ўз билимларини оширдилар. Ўқиш давомида И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асари чуқур ўрганилди. Шунингдек, солиқ ва солиққа тортиш, иқтисодиёт асослари, сиёсатшунослик, дипломатик протокол, кадрлар ва бошқарув илми каби фанлар ўқитилди. Академияда феврал ва март ойларида Жаҳон банки билан ҳамкорликда вилоят раҳбарлари иштирокида қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар ва хусусийлаштириш муаммолари бўйича халқаро семинар ўтказилди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, Академияда замонавий техника воситалари, хусусан компютерларнинг кенг имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда дарс ўтилиши одат тусига кирган. Компютер марказидан АҚШда ишланган энг сўнгги урфдаги юздан ортиқ IBM-486 компютерлари ўрин олган. Бу ерда тингловчиларнинг индивидуал шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, учта катта компютер, битта аудио-видео ва учта лингафон хоналари бор. Бу хоналардан ташқари яна алоҳида иккита компютер зали ҳам мавжуд. Бу ерда шунингдек, қабул тестлари ҳамда тингловчиларнинг семестр орасидаги билимларини белгилаш учун тест синовлари ҳам компютер марказида ўтказилади.

Абдулла ИСМОИЛОВ,
инглиз тили кафедраси мудири,
филология фанлари номзоди:

— Кафедрамиз дунё андозаларига лойиқ бўлган юқори даражадаги техник воситалари билан таъминланган. Кафедрада 12 нафар тингловчига мўлжалланган учта лингафон, 16 тингловчига мўлжалланган компютер, 5 та видео синфларда ўқув жараёни олиб борилади. Шу мақсадда кафедрада қисқа вақт ичида Академия тингловчиларини ўқитиш учун инглиз тили махсус дастури ишлаб чиқилди. Шунинг учун аудио, видео матнларга мўлжалланган лаборатория ишларини, ўқитувчилар учун дарс кўрсатмаларини ишлаб чиқиш бошлаб юборилган. Компютерларни ўқув жараёнига жорий қилиш мақсадида келгусида дастурга киритилишига лойиқ бўлган, инглиз тилининг фонетикаси, луғати, грамматикасини қамрай оладиган турли тест вазифалари ишлаб чиқилмоқда. Ишлаб чиқилаётган дастурлар компютердаги матнларни товушга чиқаришга мўлжалланган. Кафедрада режалаштирилган лаборатория ишларини, компютер дастурларини тарқоқ ҳолда эмас, балки ўқитиш системасининг таркибий қисми сифатида ишлатиш кўзда тутилган.

Имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланиш мақсадида келгусида «Инглиз тилида хат услублари», «TOEFLга ўргатиш», «Ишбилармонлар учун инглиз тили», «Турли касб эгалари учун инглиз тили» ва бошқа турдаги ўқитиш услублари ҳамда иш режаларини ишлаб чиқишга, ўқитишга жорий қилишни кафедра ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Д. ИСРОИЛОВ ёзиб олди

РАВНАҚ РАМЗИ

Академия маърифий жамоаси олдига қатъий ва адолатли талаб қўйилган: «Бировни ўқитадиган, тарбия қиладиган инсон, аввало ўзи ҳар жиҳатдан баркамол бўлмоғи шарт. Замон талаблари шуки, профессор-ўқитувчилар ўзларида мавжуд билим ва савия билан чекланиб қолмасдан, хорижий мамлакатлар тажрибасини, биз энди бошлаган йўлни илгари босиб ўтган давлатлар тажрибасини қунт ва сабот билан ўрганиб, мағзини чақиб, ундан кейин ўз талабаларига сабоқ бериши зарур. Буни амалга оширишда хорижий тилларни пухта эгаллаш керак». 1995 йил октябрнинг учинчи куни Академиянинг очилиш маросимида Президентимиз амалий фаолият давомида профессор-ўқитувчилар таркиби мустаҳкамланиб ва куч ғайратга тўлиб боради, дея комил ишонч билдирган эдилар. Иншоалло, ниятлари ижобат бўлди.

Академияда замонавий ва нуфузли илмий-маърифий жамоа шаклланди. Улар — ўз соҳаларининг етук, билимдон мутахассислари. Ном-баном айтиш шарт эмас, чунки улар ўз хизматлари, матбуотдаги мақолалари билан элга танилиб бормоқдалар. Ректоридан тортиб оддий ходимигача ишчан, ташаббускор, фидойи, маданиятли, дунёқараши кенг кишилар туфайли бу ерда яхши илмий-маънавий муҳит вужудга келди. Аслида, ҳар қандай меҳнат жамоасида ютуқларнинг гарови маънавий муҳитдир. Академия профессор-ўқитувчилари, ходимлари инглиз, олмон тилларини қунт билан ўрганиб компютерда ишлаш малакаларини ҳосил қилмоқдалар. Ўқитувчилар тингловчиларни ўқитиш баробарида ўз илмий иқтидорларини ҳам такомиллаштирмоқдалар. Академия илм-маърифатнинг марказларидан бирига айланиб бормоқда. Академияда амалий ишда бой тажриба орттирган олимлар ва профессорлар, халқаро ва хорижий ваколатхоналар, элчихоналар раҳбарлари иштирокида дарслар ташкил қилинади. Давлатимиз, жамиятимиз, саноатимиз, хўжалигимизни янгилаш, ислоҳ қилиш борасидаги қимматли фикр-ғоялар, тажрибалар соҳиблари, давлат ва жамият арбоблари, маҳалла оқсоқоллари билан учрашувлар уюштириб турилади. Ушбу тадбирлар академия тингловчилари, айни пайтда, профессор-ўқитувчилар учун амалий мактаб вазифасини ўтамоқда. Академиянинг олий мақсад-муддаоси илғор раҳбар кадрларнинг олтин захирасини бунёд этиш бўлса, бугунда унинг профессор ўқутувчилари сиймосида ўша захиранинг бир қисми «хамир учидан патир» тарзида мавжуд. Академия қисқа муддатда қаддини ростлаб, жиддий фаолият кўрсатиш билан бирга, унда илмий кенгаш, ихтисослаштирилган ҳимоя кенгаши, аспирантура ва докторантура ҳам иш бошладики, бу яхши самаралар беражак.

Академияда ҳар бир кафедра ўзига хос фаолият йўналиши ва моҳиятига эга. Жумладан, Тил ва нутқ маданияти кафедраси ҳам.

Тил ва нутқ маданияти кафедрасида «Ўзбек нутқи ва маданияти асослари» фани ўқитилади, ўзбек лотин алифбоси ва имло қоидалари ўргатилади, «Давлат тилида иш юритиш», «Нутқ тайёрлаш услубиёти» мавзуларида махсус курслар ўтилади.

Ўзбек нутқи маданиятлари асослари фанининг мақсади инсон нутқини ўрганиш, уни ижтимоий-маданий муносабатларга мувофиқ даражда сайқал топтиришдир. Нутқ маданияти фани тилшунослик соҳасининг бир тармоғи сифатида вужудга келган. Ушбу фан тилшуносликда тил бойликларидан фойдаланиш жараёнини, тил бирликлари имкониятларининг борлиқ, тафаккур, онг ҳамда вазият билан муносабатдаги кўринишларини ўрганади.

Кафедранинг бош вазифаси Академияда таҳсил олаётган раҳбар ходимларнинг тил ва нутқ маданиятини такомиллаштиришдан иборатдир. Академиянинг ихтисос хусусияти ва замон талабидан келиб чиқиб, кафедра ўқув дастурида тил ва нутқ маданиятининг долзарб муаммоларига жиддий эътибор қаратилган.

Аввало, давлат тили сиёсатини ўрганиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили сиёсати Конституциянинг 4-моддаси ҳамда Давлат тили ҳақидаги қонун билан мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси ва давлат тили ҳақидаги қонун ўзбек тили ва нутқ маданиятининг ҳаётий қудратини таъминлайдиган ҳуқуқий ҳужжатдир. Давлат тили тўғрисидаги қонунни ўрганиб, унга риоя этмасдан туриб нутқ маданияти фанини ўзлаштириш мушкулдир. Чунки давлат тили қонуни адабий тилга таянади. Адабий тил эса маданий тилдир. Миллий нутқ маданияти давлат тили ҳақидаги қонунни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида такомиллашади.

Нутқ маданияти соҳаси адабиётшунослик, поэтика, эстетика, этика, педогогика, мантиқ, руҳшунослик, сиёсатшунослик соҳалари билан боғлиқ. Миллий мустақиллик мафкурасининг таркибий қисми ҳисобланмиш Давлат тили сиёсати ва унга оид ҳуқуқий ҳужжатлар нутқ маданиятининг асосий ашёларидандир. Нотиқлик ва воизлик санъатига оид асарлар, ўзбек маданий нутқига асос бўлган миллий адабий мерос намуналари, ўзбек миллий ҳужжатчилиги ҳамда давлат тилида иш юритиш қонун-қоидалари мажмуаси фаннинг асосий объектлариданидир.

Амалий машғулот дарслари амалий иш ўрганиш, кўп ва хўб илм-маърифат ҳосил қилиш мақсадида Академиядан ташқаридаги илмий-маърифий даргоҳларга, давлат идораларига, улуғ устозлар ҳузурига сафарлар уюштирилади. Шахсий машғулотларда тингловчилар қобилияти мустақил мутолаа ва илмий-ижодий изланишларга йўналтирилади. Умуман, таҳсил дарс манзиллари, муаллимлари, услубларининг ранг-баранглиги билан таъминланади.

Демак, нутқ маданияти курси давлат тили сиёсати қонунини мукаммал сингдиришга хизмат қилади, нотиқлик ва воизлик санъатини ўргатади. Шахсий ва ижтимоий фаолиятда тил имкониятларидан мукаммал фойдаланишни, расмий-идоравий ҳужжатларни тайёрлаш маданиятини шакллантиради.

Тил ва нутқ маданияти кафедраси юқоридаги йўналишларда фақат маърифий иш олиб бориш билан чекланмайди. Балки, шу соҳаларнинг долзарб муаммолари бўйича илмий тадқиқот, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам олиб боради. Мақолалар, маърузалар, эшиттиришлар, кўрсатувлар, тавсияномалар, рисолалар, дастур, қўлланмалар, дарсликлар тайёрлайди ва уларни амалга оширади. Кафедрада магистрлик диплом ишлари ва ундан юқори илмий даражалар учун диссертасия тадқиқотлари олиб борилади.

НУСРАТУЛЛО АТАУЛЛО
ўғли Жумахўжа,
Тил ва нутқ маданияти
кафедраси мудири

Суратларда: Академия ҳаётидан лавҳалар

ИСТИҚБОЛНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

Янги сиёсий-ижтимоий жараёнлар шаклланиб бораётган, жамият бир сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтаётган, туб ислоҳотлар амалга оширилаётган даврда кадрларни тайёрлаш, тарбиялаш ва ўз ўрнига қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бугунги ривожланиш даврида, ҳозирги сиёсий ўзгаришлар ва ислоҳотларнинг туб моҳиятини тўғри англайдиган, ўз вазифаси ва бурчини аниқ тушунадиган ёш, навқирон раҳбарлар тайинлашини тақозо этмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек: «Раҳбар, энг аввало, миллат рамзи, мамлакат обрў-эътиборидир. У ана шундай юксак унвонга муносиб бўлиши учун халқ, Ватан, Миллат тушунчаларини ҳаммадан чуқурроқ англаши, ҳаммадан кўра кўпроқ фидойи бўлмоғи лозим». Умуман, кадрлар сиёсати бугунги кундаги энг оғир, муҳим соҳалардан биридир.

Мен шундай табаррук даргоҳнинг биринчи тингловчилари сафида бўлганимдан ўзимни бахтиёр ҳис этаман.

Биз Академияда ўқиш давомида — қонунчилик, сиёсат, иқтисод, тил ва нутқ маданияти, маънавий-маданий мерос, фалсафа, тарих, инглиз тили ва бошқа қатор соҳаларга оид билимларни чуқур эгалламоқдамиз. Бу фанларнинг ўргатилишидан асосий мақсад ҳукуматимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат, иқтисодий-ижтимоий ислоҳатларни чуқур тушуниб, уларни амалга ошириш механизмларини англаб етиш, шунингдек, тарихимиз, урфодатимиз ва қадриятларимиздан келиб чиқиб, жаҳон амалиётига таққослаш орқали асосий мақсадимиз бўлган - «ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти»ни қуришда фаол қатнашишдир.

Академияда олиб борилаётган ўқув жараёнлари ўта замонавий бўлиб, бошқа ўқув даргоҳларидан тубдан фарқ қилади. Ҳар бир фан дастури бўйича маъруза, суҳбат, амалий ва шахсий машғулотлар ўтилмоқда. Етук олимлар, малакали мутахассисларнинг маърузалари бизга кўп нарса бермоқда.

Бу ўринда Академия ректори, кафедралар ва ўқув бўлимининг олиб бораётган фаол ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Шунингдек, Академияда ҳозирги кундаги мавжуд муаммолар бўйича вазирликлар, олимлар ва давлат раҳбарлари иштирокида ўтаётган давра суҳбатлари ҳаёт ва давр билан ҳамнафас фикр юритишга асос бўлмоқда.

Умуман, Академияда юқори савияда таҳсил олишга ҳамма шароит яратилган. Биз тингловчилар учун бу ажойиб имкониятлар, ҳар бир кун, ҳар бир машғулот ғанимат. Бизга билдирилган ишонч ва масъулиятни оқлаш бутун ғайратимиз ва билимларимизни Ватанимизнинг буюк келажаги, равнақи ва барқарорлиги учун сарфлашни дилимизга тукканмиз.

Салоҳиддин ХОЛИҚНАЗАРОВ,
Давлат ва жамият қурилиш факултетининг
тингловчиси

дан узоқлашув ҳам азоблидир (бу иймондан узоқлашувни билдиради). Унга яқинлашув ҳам ҳалокатлидир.

Қуръони Каримда Аллоҳ биринчи Инсонни , «Ўзига ўхшаш қилиб яратди» деган оят уламолар орасида баҳс манбаи бўлиб келади (Ақлий камолат ҳақиқатни очишда баҳсни инкор этмайди). Шунинг учун шоир мангу барҳаёт (ал-Ҳайюл-Қаюм) Ёрнинг фироқига чидаёлмайди, нозири — ўхшашини кўролмайди, мисолини тополмайди. Шунинг-чун илоҳий ишқ насибаси — мажнунликдир. Шоир гулда ҳам Ёр жамоли жилвасини кўради ва дейди:

Чаманда маст елдин, ваҳки,
ҳар ён ҳам бўлур гулдек.
Замоне жилва айлаб,
бизни расвойи замон қилдинг...

Аммо шоир айтган «замона расволари» аҳли ишқ, мусаффо дил, покиза инсонлардир...

Эй, инсон, агар, ишқсиз, ғафлат уйқусида яшашни истамасанг ошиқ дўстлар топиб, ҳамсуҳбат бўл, дейди шоир:

Истасанг уйғонмоқ ул
бедорлар ҳамсуҳбати —
Ким, бу ғафлатларни
даф этгай магар огоҳлар.

Гоҳо шоир гулларни инкор этгандай кўринади, аммо бу инкор эмас, балки ёрнинг жамоли гуллардан азизроқ эканини таъкидлашдир:

Гул била майни нетар
девонакми, кўнглида
Бир париваш лаълидин май,
ҳуснидин гулзори бор.

Аммо, ҳижронда яшаса ҳам, ёр висоли насиб этмаса ҳам, ёри борлигининг ўзи инсон учун қувончлидир:

Кимки олам боғида
бир сарви гулрухсори бор,
Боғ сайридин фароғи,
сарву гулдин ори бор.

Илоҳий ишққа вобасталик инсон учун чексиз оғир юкдир, буни ҳар ким ҳам кўтаролмайди. Бу оғир юкни кўтариш учун бу дунё айшу фароғатларига, мол-дунё, иззу жоҳ - мансаб, шуҳрат, иззатпарастликдан кўнгил узиб, Ҳақ сори яқин бориш зарур:

Эй, Навоий, ўзни мақбул
истасанг, туфроқ бўл,
Ким эрур мардуд улким,
бошида пиндори бор.

Яъни, Ҳақ даргоҳида мақбуллик обид ва ориф ошиқнинг олий орзусидир, мардудлик - ҳақ тарафидан рад этилиш эса — улуғ бахтсизликдир. Ўшандай бахтсизлик учрамаслиги учун бошдаги, хаёлдаги пиндор — кибру ҳаво, манманликни йўқ қилиш, фақрона, камтарин, ҳаётга қайтиш зарур.

Аммо, шоир чексиз қудрат эгасининг беназир, мислсиз санъати билан яралган бу олам гўзалидан ҳам юз ўгирмайди. Зотан шариатда ҳам, тариқатда бу дунёдаги инсонлар ҳам ўзаро дўст бўлиши, меҳрмуҳаббатли бўлиши олим Ҳаллоқнинг фармонидир. Шундай экан, тасаввуфда ва оддий ҳаётда одоб ва ҳуснда баркамол, ҳатто шайдосига дарду ҳижрон азобларини раво кўрувчи соҳибжамолни севиш ҳам савобли, илоҳий насибадур. Шу маънода шоир куйлаган Ер гўзалини севиш, унинг висолини орзу қилиш ҳам илоҳийликка зид эмасдур.

Мазкур мулоҳазаларимизни яна шоирнинг баҳорий байтлари билан тугаллаймиз.

Мувофиқ кийдилар, бўлмиш
магар наврўз ила байрам,
Чаман сарви яшил хилват,
менинг сарви равоним ҳам.
Чаман сарви қолиб ҳайрон,
менинг сарвим қилиб жавлон,
Анинг шайдоси бир деҳқон,
менга шайдо бари олам.
Қўниб ул сарв узра булбул,
чекиб гул шавқидин ғулғул,
Бу сарв узра очилиб гул,
анга тердин тушиб шабнам.
Бу боғ ичра май, эй соқийки,
мен, асру муштоқий,
Ки анда сарв ҳам боқий эмас,
лул аҳди ҳам маҳкам...

Шоир дейдики, баҳор, наврўз гулу ғанчалари, боғ чаманлари бинафшалар, лолазорлари ғаниматдур, эй, одамлар, бу гўзалликлар қадрига етинг, бу кунларга етказган Тангрига шукроналар айтинг...

Маҳкам АНДИЖОНИЙ

ЗАМОНАВИЙ МЕЗОНЛАР

Ўша унутилмас кун кечагидек ёдимда. 1995 йил 3 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг тантанли очилиш маросими. Ҳамма ҳаяжонда. Ўзбекистон Давлат герби ва байроғи билан безатилган муҳташам бинога Республика Давлат ва ҳукумат раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, Академиянинг профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчилари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакиллари тўпландилар.

Юртбошимиз очилиш маросимидаги ўз нутқида Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг республикамизда ташкил топиши мамлакатимиз тарихига ўчмас сатрлар билан ёзилажаги ва унинг тақдири, келажаги учун қанчалар муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди. И. Каримов республикамизда содир бўлаётган буюк ўзгаришлар ва олиб борилаётган сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқур таҳлил қилиб, бажарилиши лозим бўлган асосий вазифаларини бегилаб берди.

«Бу вазифаларни ҳал этиш учун эса , — деганди юртбошимиз, — кучли, қудратли давлат, юксак малакали, ахлоқий баркамол ходимлар керак».

Мана, Академияда таҳсил олаётганимизга ҳам 6 ойдан ошди. Бу ерда бизларнинг таҳсил олишимиз, ўз билим ва савияларимизни ошириш учун тўлиқ ва ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган шароитлар яратилган. Янгича фикрлайдиган, замонавий мезонлар билан бўйлаша оладиган ходимларни, раҳбарларни тарбиялаш учун академия аудиторияларии энг сўнгги техник воситалар — компютер ва ўқув технологиялари асосида жиҳозланишига ҳукуматимиз томонидан катта ёрдам кўрсатилган.

Буюк аждодларимиз, донишманд ва комил инсонларимиз қадим-қадимлардан ҳақиқат, адолат ва одиллик борасида фикр юритганлар. Улар халқчил, адолатли ҳокимият, одил ва доно ҳукмдор ақл-заковат билан иш юритсагина халқ бахт-саодатига эришиши, фаровон яшаши мумкинлигини кўрсатиб берганлар.

Дарҳақиқат, Ўрта Осиё халқлари илм-фан, маданият, маънавият, адабиёт, санъат ва бошқа жабҳалар каби сиёсий-ҳуқуқий тафаккур борасида, яъни ҳуқуқшунослик, тарих, давлат ва жамият қурилиши тўғрисидаги таълимотлари билан инсоният тараққиёти хазинасига бебаҳо ҳисса қўшиб келганлар. Менинг назаримда тарихимиз қайта тирилгандек, тилга киргандек. Ота-боболаримиз бизга қолдирган мерослари, ўгитлари, инсон ақлини лол қолдирадиган асарлари ҳозирги бизнинг кунларимизга жуда мос ва зарур деб ҳисоблайман.

Биз ушбу Академияда таҳсил оларканмиз, бой меросдан, оталаримиз ўгитларидан самарали ҳамда ўринли фойдаланишимиз ва амалиётга тадбиқ этмоғимиз лозим. Чунки ўз озодлигига эришган халқ фақат фидойилик, ватанпарварлик, ўз тарихига ҳурмат ва билим машъали билангина ўзининг бахтиёр йўлини ёрита олади.

Борий АЛИХОНОВ,
Давлат ва жамият қурилиши факултети
тингловчиси

Эл эъзозлаган кишилар

ХАЗИНАЛАРДАН БАҲРАДОР

1947 йил 1 сентябр Ўрта Осиё давлат университети шарқ факултети 1-курсига қабул қилинган талабаларни табриклаш маросими тугади. Лекин ҳеч кимнинг тарқалгиси келмасди. Улар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, танишув суҳбатларини бошлаб юбордилар. Бошқаларга нисбатан бирмунча каттароқ, истараси иссиқ йигит келиб ўзини таништирар экан, армияда хизмат қилганлигини, суронли урушларда қатнашиб, ярадор бўлиб қайтганлигини айтиб берди. Сўнг, насиб этса, биргаликда беш йил таълим оламиз, деб ўз суҳбатини давом эттирди. Шундай қилиб, Шоислом ака 1952 йилда шарқ факултетини имтиёзли диплом билан битириб, истеъдодли ёш мутахассис сифатида дарс бериш учун кафедрада ишга қолдирилди. Мана шу кундан бошлаб то ҳозирга қадар Шоислом ака Шомуҳамедовнинг илмий-педагогик фаолияти, ижоди мана шу факултет билан чамбарчас боғланиб кетди. Шу давр ичида Шоислом ака факултетда оддий ўқитувчи лавозимидан досент (1960) ва профессор (1970) илмий унвонларини олишга сазовор бўлди. Масъулиятли ва машаққатли илм сўқмоқларини босиб ўтиб, эрон адабиёти соҳасида йирик мутахассис бўлиб етишди. 1953 йилдан бошлаб мунтазам равишда илмий мақолалар ва китоблар ёзиб, эроншунослик равнақига катта ҳисса қўшиб келди.

Ш. Шомуҳамедов 1957 йилда тараққийпарвар эрон ёзувчиси ва шоири «Эҳсон Табарийнинг ҳаёти ва ижоди» мавзусида номзодлик диссертатсиясини ҳимоя қилди.

1968 йилда эса «Форс-тожик классиклари ижодида гуманистик ғоя тараққиёти масалалари» деган мавзуда докторлик диссертатсиясини муваффақиятли ёқлади.

1962—1965 йиллар олим учун ғоят самарли кечди. «Умар Хайём», «Абдураҳмон Жомий», «Саъдий Шерозий», «Ҳофиз Шерозий», «Форс-тожик адабиёти классиклари» каби форс-тожик адабиётининг машҳур намояндалари ҳаёти ва ижодига бағишланган монографик асарлар яратди. Кейинчалик «Малик уш-шуаро Баҳор» (1967), «Амир Хусрав Деҳлавий» (1971) Ш. Шомуҳамедов томонидан нашрга тайёрланиб, чоп этилди.

Ш. Шомуҳамедовнинг «Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманистик ғоялар тараққиёти» (1968) номли тадқиқоти ҳам назарий, ҳам фактик материалларни илмий таомилга киритиш юзасидан қилинган жиддий иш ҳисобланади. Мазкур асарда муаллиф XIII—VIV арсларда яшаб ижод қилган мутафаккир шоирларнинг ижодида инсонпарварлик ғояларини таҳлил этиш билан бирга, Рудакийдан Жомийгача бўлган буюк олимлар, йирик шоирларнинг ижодиётини чуқур ўрганиб, гуманистик ғояларининг турли кўринишлари ва ҳар хил қирраларини очиб беради.

Ш. Шомуҳамедовдаги шеърий истеъдод бадиий таржима соҳасида ҳам намоён бўлди. Кенг ўқувчилар оммаси Шоислом аканинг таржималари туфайли Ибн Сино ва Низомий, Умар Хайём ва Ҳофиз, Бедил ва Хусрав Деҳлавий, Саъдий ва Жомий, Жола ва Устувор каби кўпгина шоирлар асарларини ўз она тилларида ўқиб, бебаҳо хазиналардан баҳраманад бўлмоқдалар.

Бу таржималарни амалга оширида, хусусан, Фирдавсийнинг буюк «Шоҳнома» асарини таржима қилишда Шоислом аканинг шоирлик иқтидорлари ва шеъриятни чуқур билишлари ниҳоят қўл келди ва шу боис уларнинг бадиий етуклиги таъмин этилди.

Ш. Шомухамедовнинг «Ҳақиқат излаб», «Оталар орзуси — истиқлол кўзгуси», «Минг бир ҳикмат», «Хазиналар жилоси», «Шарқ тафаккури хазинасидан», «Инжулар уммони» каби китоблари; «Кичкинтойлар сўзлайди», «Отабекнинг китоби», «Гулбоғ» номли ҳикоялар мажмуалари, «Вақт», «Одам борки...», «Рубоийлар» каби шеърий тўпламлари ҳар бир ўзбек хонадони жавонларидан муносиб ўрин олган, десак муболаға бўлмаса керак. Олимнинг «Фоний девони» ҳақидаги (Ўзбек адабиёти тарихи, 2-жилд), «Алишер Навоий ва дарийдаги адабиёт анъаналари» номли илмий мақолалари навоийшунослигимизга қўшилган муҳим ҳисса эканлигини алоҳида эътироф этиш жоиздир.

Агар умумлаштириб айтадиган бўлсак, Ш. Шомуҳамедов олим, таржимон ва шоир сифатида 40 йилдан кўпроқ фаол ижод этиб, 80 га яқин китоб яратди. Булардан 21 таси мумтоз ва ҳозирги замон эрон адабиёти намояндалари ижодига бағишланган тадқиқотлардан, 10 таси ўзлари ижод этган ҳикоя ва шеърлар тўпламидан ва 45 таси форс-тожик адабиёти классиклари асарларидан қилинган таржималардан иборатдир. Олим асарларининг умумий ҳажми 250 босма табоқни ташкил этади. Унинг қатор асарлари Америка, Афғонистон, Покистон, Чехословакия, Болгария каби чет мамлакатларда ҳам чоп этилгандир.

Ш. Шомуҳамедов яқин 50 йил давомида талабаларга эрон адабиёти тарихи ва қатор махсус курслардан лексиялар ўқиб келмоқда. Шу билан бир вақтда домла 12 йил (1960—1972) шарқ факултетига деканлик қилди, 13 йил (1972—1985) Тошкент давлат университетида илмий ишлар бўйича проректор лавозимида фаолият кўрсатиб келди.

Ш. Шомуҳамедов ташаббуси билан 1965 йилда шарқ факултети таркибида «Хорижий шарқ халқлари адабиёти кафедраси» ташкил этилди ва унга олимнинг ўзи мудир этиб тайинланди. Бу кафедра хорижий шарқ халқлари адабиётини ўрганиш борасида салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, Амир Хусрав Деҳлавий ижодини атрофлича ўрганиш бўйича Марказий Осиёда ягона марказ бўлиб қолди. Мазкур мавзу бўйича домланинг бевосита раҳбардигида 100 дан ортиқ мақола, 4 тўплам, 5 та монография эълон қилинди. Шунингдек 3 нафар докторлик ва 8 киши номзодлик диссертатсиясини ёқлади.

Олим шарқшунослик фанига оид жаҳон анжуманларида иштирок этиб келди. У форс-тожик адабиёти классикларини тадқиқ этган шарқшунос сифатида Ўзбекистондагина эмас, жаҳон шарқшунослари орасида танилган машҳур олимдир. Форс адабиётини ўрганишдаги ва шарқшунос кадрлар тайёрлашдаги самарали меҳнати учун Ш. Шомуҳамедов 1974 йилда Халқаро Фирдавсий мукофотига сазовор бўлган эди.

Ш. Шомуҳамедов 1957 йилда Ўзбекистон бадий адабиёт нашриёти таркибида «Хорижий Шарқ адабиёти бўлими»ни ташкил этиб, бир неча йил унга раҳбарлик қилди.

Таниқли олим Ш. Шомуҳамедов 1978 йили «Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби» деган унвонга мушарраф бўлган.

Ҳозирги кунда устоз Ш. Шомуҳамедов шарқ факултети негизида ташкил қилинган Тошкент давлат шарқшунослик институтида «Хорижий Шарқ халқлари адабиёти кафедраси»да профессор ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси лавозимида меҳнат қилиб, ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқда.

Шарқшунослик институти жамоаси устоз ва мураббий, йирик шарқшунос олим Шоислом ака Шомуҳамедовнинг табаррук 75 ёшлари билан муборакбод этиб, соғлик, узоқ умр ва ижодий парвозларини узлуксиз давом эттиришларини тилайди.

Абадийлик ҳавоси бордир
ҳар бир кишида,
Бунинг аниқ изи бор
умр ёзу қишида,
Куёшдан баҳра олур
ердаги ҳар мавжудот,
Чин инсон номи қолур
унинг яхши ишида.

Ҳа, Шоислом ака, ўз шеърларида ёзганларидек, ана шундай яхши ишлари билан эъзоз-икром қозонганлар.

Суйима ҒАНИЕВА,
Малик АБДУСАМАТОВ

ТЕМУРЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Темур СОРОКИН,
курувчи

Отам Шарқ тарихи, удумларига жуда қизиққанлар. Ҳозир ҳам улар йиққан Темурийлар сулоласи ҳақидаги китоблар сақланиб қолган. Оиимларнинг айтишларича, отамлар Темурийлар тарихига шу қадар қизиққан эканларки, ҳатто уларнинг қадамлари етган жойларни кўриш учун вақтларини аямас эканлар. «Шунақанги улуғ аждодлари бўлган халқнинг орасида яшаш, улар билан ҳамиша мулоқотда бўлиш мен учун чинакам бахт...», дердилар отам. Шунинг учун мен дунёга келганимда улар исмимни Темур қўйган эканлар.

— Ўзбек тилида бемалол гаплашишингизга қараганда...

— Саволингизни англадим. Мени тарбиячим ўзбек кампир бўлган. Уларнинг ёрдами билан мен мактаб ёшига етганимда ўзбекчада бемалол гаплашаверар эдим. Мактабда ўқиб юрган вақтларимда (айтганча мен ўзбек синфини битирганман) бир воқеа бўлган эди. Ўшанда отам жуда қаттиқ хафа бўлган эдилар. Бир куни отамлар менинг кундалик дафтарчамни кўриб ўтириб тарих фанидан уч баҳо олганимга кўзлари тушиб қолди. «Ўғлим, — дедилар менга қараб, — сенга мен жуда ҳам улуғ бир алломанинг исмини қўйганман. Жуда ҳам катта ниятлар қилганман. Мен бир умр тарихни мукаммал ўрганиб келганман, ҳаҳотки сен, менинг ўғлим тарихга шунчалик бўш бўлсанг, уят эмасми? Темурийларда билим жуда кучли бўлган». Ўзим ҳам хафа бўлиб кетдим. Тўғри, у вақтлар Темурийлар ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас эди. Менга отам уйда ёлғиз қолганимизда сўзлаб берар эдилар. Уларнинг бир гапи бор эди, «Агар менинг ўнта ўғлим бўлганида эди, мен уларнинг ўновига ҳам Темурийларнинг исмларини қўйган бўлар эдим», дердилар...

— Темур ака, ўғлингизни исмини ҳам отангиз қўйган эканлар...

— Ҳа, тўғри. Ўғлим туғилганида отам оғир касал эдилар. Турмуш ўртоғимни туғруқхонадан олиб келган куним отам чақалоқни ёнларига олиб киришимизни айтдилар. Биз шундай қилдик. Отам чақалоққа узоқ тикилиб турдиларда сўнг: «Худойим ҳаёт йўлингни ҳамиша ёруғ қилсин. Бобурдек буюк инсон бўлиб етишгин, халқ учун хизмат қилгин», дедилар. Кўп ўтмай отам вафот этдилар. Лекин биласизми, у киши мен учун худди тирикдек, ҳамиша ёнимда юргандек. Сал қийналсам, иккилансам, чалғисам ёки қаттиқ хафа бўлсам, «Дадил бўл, ўғлим. Темур ҳеч қачон иккиланмаган... Хафа бўлма, ҳаммаси яхши бўлади...», деган гапларини эслайман. Ўғлим мана бешинчи синфга ўтди, ўзбекчада бемалол суҳбатлаша олади, ҳатто уйда ҳам ўзбекчада гаплашамиз. Мана бу йил улуғ бобомиз Амир Темур йили деб эълон қилинди, бу биласизми, ҳақиқий шараф, ғурур; бутун дунё бўйлаб бобомизнинг исми жаранглаб турибди. Кечагина буни ҳатто хаёлга ҳам келтириш мумкин эмас эди. Агар отам тирик бўлганларида ниҳоятда қувонар эдилар.

Мана 9 апрел бобомизнинг туғилган кунлари, бизнинг уйда қўшалоқ байрам. Отамлар бу кунни «Сен учун ҳам туғилган кун бўлсин», деб байрам қилишни айтганлар. Шунинг учун бизникига марҳамат.

Темур САЪДУЛЛА, мусаввир

— Исмингизни нима учун Темур қўйишган?

— Исмим тарихи оддийгина. Мендан катта акам бор. Уларнинг исмлари Амир. Ўқувчилар албатта танисалар керак у киши ҳинд кино ижодкорлари томонидан суратга олинган «Махабҳорат» филмини таржима қилганлар. Улардан кейин мен дунёга келганман ва ота-онамиз менинг исмимни Темур қўйганлар. Шу-шу ака-ука Амир Темур бўлиб юрибмиз. Қисқача тарихим шу. Ота-онам исм қўйганда яхши ниятлар билан қўйишган албатта. Балки улуғ бобомиздай инсон бўлиб етишсин дейишгандир, балки темирдай мустаҳкам бўлсин дейишгандир. Балки исмнинг қудрати билан акамлар таниқли таржимон, мен бўлсам, мана, Худога шукр, А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриётининг бош рассоми бўлиб ишлаб келмоқдаман...

Шу кунларгача исмимни Соҳибқиронга ҳеч қандай алоқаси йўқ деб юрардим. Яширишдан на фойда, 70 йил давомида бизга бобомиз ҳақида даҳшатли нарсаларни айтиб, у киши ҳақида ёмон таассурот қолдиришга ҳаракат қилишган. Лекин улғайгач жуда кўп нарсаларни англадим. Биласизми, бобомиздан қолган ёдгорликлар, иморатлар, мадрасаларни кўриб бундай ноёб ёдгорликлар бунёд эттирган комил инсон ҳеч қачон ёвуз бўла олмайди деган фикрга келдим. Бундай улуғ ишларни фақат ўз ватанига муҳаббати бўлган, ўз халқига садоқатли бўлган инсон қила олади. Бобомизни босқинчиликда айблашади. Аслида эса ҳеч қандай уруш талофатсиз бўлмайди. Урушнинг даҳшатли томонлари ҳам шундан иборат. Балки баъзи ерларни босиб ҳам олгандир, уруш тактикаси шуни тақозо қилади.

Ҳақиқат ҳеч қачон синмайди, деганларидай, мана бобомизнинг улуғ номлари оқланди. Ҳамма гаплар иғво бўлиб чиқди. Соҳибқирон жуда ҳам инсоний хислатлар эгаси бўлган. Ҳамиша маслаҳат билан иш тутган. Яқинда бобокалонимизнинг 660 йиллигига бағишлаб А. Навоий номидаги музейда кичик кўргазмамни очмоқчиман, марҳамат келинглар.

— Темур ака, Худо хоҳласа кўргазмангизни бориб кўрамиз. Ўзингизга маълумки, Россия давлат Думаси чиқарган қарор катта шов-шувга сабаб бўлаяпти. Бир оддий фуқаро сифатида бу масалага муносабатингизни билмоқчи эдик.

— Тўғри, бу масала юзасидан жуда кўп гаплар бўлаяпти, кузатиб турибман. Эндигина ўзлигимизни англаётган бир даврда бундай ишлар кўнглингизни ранжитади. Мана етмиш йил ичида миллатимиз нима кўрди ва нима кўриши мумкин эди?! Сиёсатчи эмасману, лекин гапни индаллосини айтганда, мен учун маъқули — мустақиллик. Керак бўлса бу учун жонимни ҳам аямайман, тамом!

— Ҳозирги Ўзбекистонни рамзий маънода қандай тасвирлаган бўлар эдингиз, албатта, мусаввир сифатида?

— Энди сизга айтсам, мен пейзажчи эмасман. Шунинг учун Ўзбекистонни гўзал бир гуллаб яшнаётган боғга ўхшатиб тасвирлай олмайман. Лекин мусаввир сифатида мен Ўзбекистонни бир мўйсафид, донишманд, Хизир отадай қилиб тасвирлаган бўлардим. Кўпчилик мусаввирлар Ўзбекистонни беш яшар болага ўхшатишни хуш кўришади. Балки бу ҳам тўғридир. Лекин менинг назаримда Ўзбекистон буюк сиймоларимиздай сочларига оқ оралаган, кўпни кўрган бир мўйсафид мисолдир...

Темурғолиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган рассом

Менга адажоним Жамолиддин Асомиддинов Темурғолиб деб исм қўйганлар. Улар менга доимо мана шу улуғ номга муносиб бўлиб, шу номни оқлагин, деб насиҳат қилардилар. Мен адажонимнинг ана шу насиҳатларини ўз ижодим билан оқлашга ҳанузгача ҳаракат қилиб келмоқдаман. 1971 йилда Увайсийга бағишлаб «Анор» асарини яратганимдан сўнг қўлёзмалар институти ҳамда «Алишер Навоий» музейининг собиқ директори марҳум Ҳамид Сулаймонов бу асарга юқори баҳо бериб «Сизга ана шу улуғ номни қўйган отани бир кўрсам» деган эдилар.

Мен улар истагини бажо айладим. У киши отам билан учрашганларидан сўнг отам жуда мамнун бўлиб қайтиб, менга шундай деган эдилар:

— Ўғлим, сенга бу номни қўйиб янглишмаган эканман.

Мен бобомиз Амир Темур ва умуман Темурийлар сулоласига мансуб образларни собиқ иттифоқ давриданоқ яратишга ҳаракат қилганман. Мисол тариқасида менинг 10 метрлик «Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога «Ҳамса»ни топшириш вақти» асарим ва Темурга бағишланган «Шоҳ ва гадо» асарларимни келтиришим мумкин.

Кўпчилик ўқувчиларга менинг асарларим маълум бўлса керак. Шундай бўлишига қарамасдан, мен Амир Темур ва Темурийлар сулоласига бағишланган ижодий изланишларимни давом эттириш ниятидаман. Худо хоҳласа, яхши асар яратиб халқимга туҳфа этаман.

Ҳусниддин ҚУТБИДДИНОВ
тайёрлади

«МТ»: воқеалар, хабарлар

ТИНЧЛИК БАЙРАМИ

Дунёда айнан бизнинг юртимизга ҳам дахлдор байрамлар тобора кўпайиб бормоқда. Яна тўқсон кундан кейин АҚШнинг Атланта шаҳрида бошланадиган XXVI ёзги олимпиада ўйинларини ҳам ана шундай байрамлар сафига қўшиш мумкин. Зеро, унда юртимиз спортчилари тарихда илк бор мустақил Ўзбекистон шарафини ҳимоя қиладилар.

«О, спорт! Сен тинчликсан!» дея хитоб қилган эди бундан роппа-роса бир аср муқаддам қадим Юнонистонда ташкил этилган олимпия ўйинларини қайта тиклашга муваффақ бўлган фаранг жамоат арбоби Пиер Де Кубэртен. Демак, олимпиада ўйинларининг қутлуғ юбилейи бизга юртдошларимиз ҳам иштирок этиши билан янада қадрлироқ бўлуви шубҳасиз.

Тинчлик ўйинларида оз эмас, дунёнинг нақ икки юзга яқин мамлакатидан спортчилар иштирок этадилар.

Дунёда «сосиалистик лагернинг» собит ҳимоячилари қудрати анча сусайгани рост шекилли, ҳали ҳозирча яқин ўтмишдаги сингари «капиталистик» мамлакатда бўлаётган олимпия ўйинларини байкот қилишга, уни сиёсатлаштиришга, унга қарши тарзда сунъий яратилган «Эркин ирода ўйинлари» ташкил этишга ҳеч ким уринмаяпти. Билъакс, жаҳон Атлантага кўз тикиб, сайёрамиз миқёсидаги улкан спорт байрамини орзиқиб кутмоқда.

«Соғлом авлод учун» шиори кенг қулоч ёйган юртимизда, шубҳасиз, дунё миқёсида ном тарата оладиган спортчилар етишиб чиқа оладилар. Лиллехаммерда ўтказилган қишки олимпия ўйинларида Л. Черязованинг олтин медални қўлга киритгани ҳам фикримизнинг далилидир. Бунинг устига, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» алоҳида қонун қабул қилинган. Футбол ҳақида қабул қилинган ҳужжатларку, ўзи бир жаҳон. Ахир, давлат миқёсида қилинган ғамхўрликлар самараси ўлароқ футболчиларимиз Японияда ўтказилган Осиё ўйинларидан олтин медал билан қайтмадиларми...

Хуллас, яна уч ойдан сўнг «сеҳрли диёр» Америкада улкан спорт байрами бошланажак. Умид шулким, ғолиблик шоҳсупасига миллатдошларимиз ҳам бот-бот кўтарилсинлар, стадионлар узра, бутун сайёрамизда акс садо бериб миллий гимнимиз янграсин, миллий байроғимиз эса тинмай ҳилпираб турсин.

НАВОЛАРИНГ БАРАВЖ БЎЛСИН

Биз бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтишимизнинг тамойилларидан бири сифатида давлатнинг бошқарувчилик миссиясини эътироф этамиз, албатта. Шу билан бир қаторда маънавий ҳаётимизнинг соҳаларига давлат томонидан алоҳида ғамхўрлик қилинаётганини ҳам иқтисодий-сиёсий-ижтимоий тараққиётимизнинг муҳим омили сифатида қайд этиб ўтмоғимиз жоиз.

Юртимизда айни кунларда «Ўзбекистон — Ватаним менинг» қўшиқлар кўрик-танлови авж пардаларда давом этмоқда. Куни кеча эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси ташкил этилди. Мусиқа-рақс санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилган ушбу бирлашма олдига аниқ вазифалар қўйилган. Булар, чунончи, миллий мумтоз ва замонавий мусиқа-рақс санъатининг энг яхши ютуқларини асраш ҳамда тарғиб қилиш; хориж билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш; аҳолига маданий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш.

Бирлашма ва унинг корхона ҳамда ташкилотлари бюжетга ўтказиладиган давлат солиқларини тўлашдан уч йил муддатга озод этилди.

Дарвоқе, таниқли бастакор, ўзининг дилбар қўшиқлари, нафис мусиқалари билан ҳар бир хонадонга кириб борган Анор Назаров бирлашманинг бош директори этиб тайинланди.

Г. МУРОДАЛИЕВА

ЭЙ, ИНСОН!

Зоҳирингни танимоқда бош, юз, қўл, ва фут ва гўштдин ўзгани танимассен. Ботинининг аҳволидан мунчалик билурсенким, вақтики оч бўлсанг нон ерсен. Ва ташна бўлсанг сув ичарсен. Вақтики, ғазабинг келса бир кишига изо берурсен. Ва шаҳват ғолиб келса, хотун олурсен. Ва ҳама чаҳорпо ва ҳайвонлар бу ишларда сенинг бирла барobардурлар. Бас, сенга лозимдурки, ҳақиқатингни талаб қилғайсен, ўз аслинг не нимарсадур ва не ердин келибсен ва не ерга боргунгдур? Бу олам манзилгоҳига нима ишга келибсан ва сени нима учун офарида қилибдур? Саодатинг не ишдадур?

АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙ

X X X

Келдинг оламга, бу олам сеники,
Икки-уч кун тўю байрам сеники.
Ғофил ўтма бу узун навбат аро,
Токи навбат сеники, дам сеники.

X X X

Нафсингга аввал низолар истагил,
Ҳар кунингга сўнг ризолар истагил.
Истама қасрингга олтин поялар,
Табадин синмас асолар истагил.

X X X

Кўнглингга дунё кирибдир ел каби,
Бунча бисёрдир ҳавою матлаби.
Худдики минг йил яшарсан, аслида.
Бил, қадам қўйган еринг жарнинг лаби.

X X X

Бунчалар кибру ҳаволар ичрасен,
Нафс саҳнида сафолар ичрасен.
Бир танинг ичра ҳазар ҳою ҳавас,
Бир тан ичра минг балолар ичрасен.

X X X

Сен ибодатлар саҳарлар айлагил,
Дилни йўқликдин хабарлар айлагил.
Сен ўтарсен бир куни, ўтмай бурун
Ҳар даму ҳар он сафарлар айлагил.

X X X

Сен аёну ноаён кетмоқдасан,
Пурзиёну пургумон кетмоқдасан.
Қанчалар сен бор сен ичра, сен билан
Сен қаёну, сен қаён кетмоқдасан?

X X X

Сенга ҳиммат этди, ҳиммат бирла кет,
Ҳамда иззат этди, иззат бирла кет.
Бир танангдин бош-оёқ Парвардигор
Бунча ҳикмат этди, ҳикмат бирла кет.

X X X

Не саодат, касби ҳиммат этса дил,
Ўзни ҳикмат, кўзни ҳикмат этса дил,
Бир умр ҳою ҳавасдин юз буриб,
Бир умр Аллоҳга хизмат этса дил.

X X X

Гоҳида шоду гаҳи пурғам эдинг,
Гоҳида пайдо, гаҳи мубҳам эдинг.
Даҳр аро чексиз талошдинг, аслида
Майса мижгонида бир шабнам эдинг.

X X X

Сабру иймон мисли бошу тан эрур,
Бул икови бир бутун, яктан эрур.
Кимдаким йўқдир сабр, иймони йўқ,
Кимдаким бош бўлмаса, тан на қилур?

X X X

Ўзни фикрат қаърига урдингми ҳеч,
Юз юварда ўйлабон кўрдингми ҳеч:
Қўлу юз кири кетар, кўнгил кирин
Тавбалар сели била ювдингми ҳеч?

X X X

Эллигингда элагингни кўтариб,
Ўйладингми лол бўлиб ҳам кўкариб:
Елдай ўтмиш кунларингни қанчаси,
Қолгани қолгайми сени қутқариб?

X X X

Бу жаҳон беш кечалик айвон эрур,
Қанчалар кас ул аро сарсон эрур.
Бир ҳадисдур асли айвон маъниси,
Одамизод топмай андармон эрур.

X X X

Айладингми таҳқиқ ҳеч дил мулкини,
Зийнату зимну камолу кўркини?
Ул малойик мулки эрди, сен нечун
Молу дунё бирла тўлдирдинг уни?

X X X

Сен бадан илмидин ҳеч огоҳмисан?
Қора невчун қошу соч, огоҳмисан?
Ўйладингму, лабларинг олдур нечун?
Недур асли таш ва ич, огоҳмисан?

X X X

Сен азалдирсан азал ўрнинг билан,
Ўйламассан ҳеч қачон қорнинг билан.
Кўз билан кўрмассан ҳеч овозни,
Тингламассан рангни ҳеч бурнинг билан.

X X X

Қайга кетди дилпазир, дилбандлар,
Сўзу гуфтори асал ҳам қандлар?
Не насиҳат эрди айём ўтиши,
Сен ўзингга айладингми пандлар?

X X X

Эй, риёзат равзанидин беназар,
Эй, кўнгил дарсида бе зеру забар.
Эй, ўзи ўзига душман, эй, бало,
Эй, муножот лаззатидин бехабар!

X X X

Токи қалбинг ичра йўл қилди ҳасад,
Бори ўнг йўлингни сўл қилди ҳасад.
Яхшиликлар гулшанин жисминг аро
Куйдириб кул қилди, кул қилди ҳасад.

X X X

Ўтгуси оқу қора рўзу шаби,
Умр — бир дарс, бир синовлар мактаби.
Сен фикр қил, сен жадал қил, сен ўқи
Ҳар намозингни видолашган каби.

X X X

Дилни беркит, дилни дил қаърига соч,
Дилга дилнинг қаърида ўзини оч:
Ким риёзат тешаси бирлан қазиб,
Маърифатнинг чашмасин кўзини оч.

X X X

Қанча шамлар ўчдилар, ҳушёр бўл,
Ою дамлар кечдилар, ҳушёр бўл.
Бу жаҳон — вақтинчалик карвонсарой,
Карвонлар кўчдилар, ҳушёр бўл.

Сирожиддин САЙЙИД

Дейдиларки, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо алайҳиссалом меърож кечаси осмони фалакка парвоз қилганларида Маккаи Мукаррамаю Мадинаи Мунавварага қанчалик меҳр кўзи билан қараган бўлсалар, Самарқанд сайқали рўйи замину Бухоройи шарифга ҳам шунчалик самимий нигоҳ ташлаган эканлар...

ТАСАВВУРДА ИНҚИЛОБ

Жаҳоннинг саккизинчи мўъжизаси — қадимий Самарқанднинг Регистон ансамблидан атиги икки юз метрча шарқда, эшиги қиблага қаратиб солинган, шарқона услубда қурилган мўъжазгина бир ҳовли бор. Ҳовлининг кўча томонидаги деворда бир ёдгорлик лавҳа қўйилган бўлиб, унда:

«Бу уйда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, шоир Хилъат (Наберахўжа Валихўжаев) яшаган» — деб ёзиб қўйилган.

Кўча ҳам ул зоти покнинг номлари билан юритилади.

Худди шу хонадонда бундан олтмиш йилдан сал кўпроқ муқаддам бир зоти киромий дунёга келди. Самарқанддаги 15-мактабда, сўнг дорилфунунда ўқиди. Етуқ адабиётшунос олим бўлди. Табаррук қиблагоҳ 1968 йилнинг февралида вафот этдилар. Вафотларидан олдинроқ умаро ўғилни дуо қилдилар. Сал вақт ўтмай ўша йилнинг май ойида «Ўзбек адабиётида эпик поэзия тараққиёти тарихидан» номли докторлик диссертатсия Тошкентда муваффақият билан ҳимоя қилинди.

Юқорида баён этилган фикрлар ўзбек ва тожик адабиётининг, Самарқанд тарихининг билимдони, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Ботирхон Валихўжаев ҳақида эканлиги ҳурматли ўқувчига ўз-ўзидан маълум бўлиб қолди.

Атоқли аллома, марҳум академик Воҳид Абдуллаев (ул зоти покни худо раҳмат қилсун, шоистаи жаннат айласун)нинг севимли шогирди, тиниб-тинчимас заҳматкаш олим Ботирхон Валихўжаев адабиётшунослик ва тарихга доир 20 дан ортиқ китоб, 373 та илмий ва оммабоп мақолаларнинг муаллифи, ўнлаб шогирдлар етиштирган, камтарин ва нуроний Устоддир.

Устод Ботирхон Валихўжаевнинг фандаги хизматларини у киши ёзган китоблар ва мақолалар билангина ўлчаб бўлмайди.

Профессор Ботирхон Валихўжаевнинг бир мақоласи бир рисолага тенгдир, чунки уларнинг ҳар бирида янгилик мавжуд.

Кўзларида самимият, лабида табиий табассум бўлган, дилкаш Ботирхон Валихўжаев илм равнақи учун тинмай жон куйдиради.

Яна бир нарсани эътироф этишга тўғри келади.

Баъзи бир қўшни мамлакатларда ўликларни қоралашдан бошқа иш тополмай, уларни гўрдан олиб, бошқа гўрга кўмаётган бир пайтда, бизда истиқлол туфайли покланиш жараёни, буюк ота-боболаримиз руҳини шод этиш жараёни бошланди.

Суратда: Б.Н. Валихўжаев (олдинги қаторда, чапдан биринчи) бир гуруҳ олимлар билан

Профессор Ботирхон Валихўжаев эса бундай савобли ва хайрли ишга бундан бир неча йил муқаддам, ҳали «қизил империя» ҳукмрон бўлган даврдаёқ қўл уришга жазм этди.

Шу тариқа Бибихоним, Соғаржийлар ҳақидаги мақолалар, «Абуллайсийлар хонадони» номли тадқиқот юзага келди.

Кейинги йилларда эса булар қаторига Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Исмоил Бухорийлар ҳақидаги мақолалар, маърузалар қўшилди. Айниқса, кейинги йилларда олим ўзбек ва тожик тилларида ёзган «Хожа Аҳрори Валий. Хамсат ул-қатарот дар зикри ҳазрати бобаракот» (Самарқанд. «Сўғдиён». 1992), «Хожа Аҳрори Валий» (Ҳужжатли эссе. «Зарафшон» нашриёти. Самарқанд, 1993) тадқиқоти ҳали алоҳида китоб бўлиб нашр этилмасданоқ, «Овози Самарқанд» рўзномасию, «Мулоқот» ойномасида рўшнолик кўрган чоғлариданоқ кенг жамоатчилик диққатини ўзига жалб этган эди.

Қарийб юз йилдан буён гоҳ илмий, гоҳ бадиий адабиётларда валийуллоҳ шаънларига нолойиқ бўҳтонлар ёғдириб келинди. Бу бўҳтончилар, «худосиз жамият» ташкилотчиларининг кўзлаган мақсадлари нима эди? Аслида эса қандай зот эдилар Хожа Аҳрори Валий?

Улуғбек Мирзонинг қатлига Хожанинг алоқаси бормиди?

«Хожа Аҳрори Валийни англашга интилиш», «Хожа Аҳрори Валийнинг даври ва таржимаи ҳоли», «Хожа Аҳрорнинг фазилатлари, мероси ва ақидалари», «Хожа Аҳрорнинг айтганлари, ҳикматлари», «Хожа Аҳрорнинг шуҳратли мухлислари», «Аҳрорийлар фахри» номли бўлимлардан ташкил топган бу тадқиқотда ишончли манбалар ва рад этиб бўлмайдиган далиллар асосида олим талқинида юқоридаги саволлар ўзига қуйидагича жавобларни топди:

1. Хожа Аҳрори Валий — Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг энг эътиборли муриди, олим ва мутасаввиф сифатида буюк ҳурмат қозонган, ўрта аср Ўрта Осиёси тарихида муҳим рол ўйнаган тарихий шахсдир;

2.Улуғбек Мирзонинг қатлига Хожанинг ҳеч қандай алоқаси йўқ ва улар ўртасидаги муносабат самимий ва холисона бўлган;

3. Турли хил ижтимоий фаолият, иморат қуриш билан бирга Хожа Аҳрор ижодкорлик билан ҳам шуғулланган. «Фикрат ул-орифин» («Орифлар фикрати»), «Волидия» ёки «Мухтасар», «Ҳуроия» ёки «Ҳайраия» каби рисолалар ва «Руқаот» — мактублар ул Ҳазратнинг табаррук қаламларига мансуб.

Шунингдек, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар Хожа Аҳрорнинг шуҳратли мухлислари, Султонхон тўра Адо Аҳрорий Самарқандий ва Нақибхон Тўғрал Аҳрорий Самарқандийлар Хожа Аҳрори Валийнинг авлодларидан бўлган шоирлар эканлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам китобдан ўрин олган. Хуллас, Устод Ботирхон Валихўжаевнинг «Хожа Аҳрори Валий» тадқиқотининг юзага келиши бузург зот атрофидаги туманни тарқатиб юборди, тасаввурда инқилобий ўзгариш ясади.

Савобли, хайрли ишлар, эзгуликка интилиш, азизларни эъзозлаш Устоднинг кучига куч, ғайратига ғайрат бахш этмоқда. Натижада Устоднинг ўзлари ҳам шунчалик камтар бўлишларига қарамай, Самарқанднинг ижтимоий ҳаётида давримизнинг Хожаси бўлиб қолмоқдалар.

Янги, юксак чўққиларга парвоз қилишингизда Аллоҳ таоло сизга ёр, Самарқанд азизларининг покиза руҳлари доим мададкор бўлсин, Устод!

Салимжон ХИДИРНАЗАРОВ,
филология фанлари
номзоди

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош
муҳаррир:
Иброҳим
ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0223.
5877 нусхада босилди.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи муҳаррир — Ҳусниддин ҚУТБИДДИНОВ
1 2 3 4 5 6